Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 20 (8.604) ◆ 1995 йил ◆ 15 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

1994 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА УЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 1994 йилда иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада қайта ўзгартиришлар чуқурлашди, бозор сари қаратилган йўл аниқ белгилаб олинди, бозор муносабатларининг конституцион-ҳуқуқий ва ташкилий асослари яратилди.

Кўп укладли иқтисодиёт шаклланмоқда, товарлар, меҳнат, сармоя ва қийматли қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Республика барча корхоналарининг 67 фоизи, ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот ва халқ хўжалигида иш билан банд бўлган ходимларнинг салкам ярми нодавлат секторнинг улушига тўғри келади.

1994 йил 1 июлдан миллий валютанинг жорий этилиши республикани яқин йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаб берди. Миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида махсус дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Давлатнинг молия-кредит билан қўллаб-қувватлаши натижасида ёқилғи-энергетика, енгил ва озиқ-овқат саноати барқарор ривожланди. Базавий тармоқларни ривожлантириш учун республиканинг ва чет эл инвестиция компаниялари ҳамда банклари валюта маблағларининг салмоқли қисми йўналтирилди.

Нархлар эркинлаштирилиши шароитида йил охирига келиб инфляциянинг ўртача ойлик даражаси икки баравар камайди. Республика йиғма бюджетининг тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,3 фоизини ташкил этди. Нақд пул эмиссияси кескин қисқарди.

Иқтисодиёт тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз берди. Пировард истеъмолга тайёр маҳсулот салмоғи 28,8 фоиздан 33,2 фоизга ўсди. Ўзимизда дон етиштириш ва нефть ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳисобига озиқ-овқат ва энергетика мустақиллиги сезиларли даражада ошди. Четдан келтирилаётган дон, гўшт ва сут 1991 йилдагига нисбатан сезиларли даражада қисқарди.

Ташқи иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. Ялпи ташқи савдо оборoти 1993 йилдагига нисбатан 5,5 фоизга ўсди. МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларда сифат жиҳатидан янги ривожланишга ва улар билан ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланмоқда, унинг аниқ мўлжалли йўналиши кучайди, болаларга ягона нафақа жорий этилди. Истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларнинг энг муҳим турлари билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди, уларнинг кафолатли захирасини яратиш тартиби амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга айрим соҳаларда ислоҳотлар жараёни миқдорий жиҳатлар билан чекланиб қолиб, расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Уюшмалар, корпорациялар ва ҳокимликларнинг айрим раҳбарлари давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари зарур даражада ривожлантирилиши ва чуқурлаштирилишини, тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланишини, хусусий сектор шаклланиши ва республика иқтисодиётини мустаҳкамлашда унинг аҳамиятини оширишни таъминламаяптилар. Улар вужудга келган таркибий номутаносибликни бартараф этишга, хўжалик юритиш механизмини ўзгартиришга, замонавий рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарлича эътибор бермаяптилар.

Бозор инфраструктураси, кўчмас мулк ва қийматли қоғозлар бозори зарур даражада ривожланмади, бу ҳол айниқса Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида кузатилди.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари қарор топиши чинакамига таъминланмаяпти, бу соҳада ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириш, бозор инфраструктурасини шакллантириш, қишлоқ аҳолисининг меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган ортиқча қисмини иш билан таъминлайдиган кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Вазирлар Маҳкамаси Қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар ва ҳокимликларнинг раҳбарлари 1994 йилда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотларнинг якунларини, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини пухта таҳлил қилсинлар ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирларни белгиласинлар ва амалга оширсинлар.

2. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, 1996 йилда республиканинг текис суръатда ривожланиши учун мустаҳкам асослар яратиш 1995 йилнинг бош вазифалари деб ҳисоблансин.

1995 йилда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устиворликлари ва асосий йўналишлари тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси бўлимлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари юқорида қайд этилган тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда шу йилнинг 15 мартига қадар:

Фонд биржаларининг минтақаларо бўлимларини очиш ва уларни зарур инфраструктура билан таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган корхоналарни, хусусий тадбиркорлик фаолиятини халқаро молия ташкилотларининг валюта маблағларини жалб этиш ҳисобига қўллаб-қувватлаш ва инвестиция фондлари ташкил этилишини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги йиғма бюджет тақчиллигини ички (банклардан ташқари) маблағ билан таъминлаш миқдори кўпайтирилишини қийматли қоғозлар бозорини кенгайтириш ҳисобидан таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига:

Кредит кимошди савдолари орқали сотишга чиқариладиган кредит ресурсларининг ҳажмини кўпайтириш чоратадбирларини амалга ошириш, уни 1995 йилнинг I чораги охирига 25 фоизгача, 1995 йилнинг II чораги охиригача 50 фоизгача етказиш;

1995 йилнинг I чорагидан бошлаб инфляциянинг шакллана етган даражасини ҳисобга олган ҳолда маблағ билан қайта таъминлаш ставкасига ҳар ойда тузатиш киритиш тавсия қилинсин.

6. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Шу йилнинг 20 февралигача 1995 йил учун республика инвестиция дастури лойиҳасини;

Шу йилнинг биринчи чорагида хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастури лойиҳасини тейёрласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, концернлар, корпорациялар ва уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шу йилнинг биринчи чораги мобайнида минтақаларда ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни сотадиган майда улгуржи дўконлар тармоғи ташкил этилишини таъминласинлар.

8. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар ва концернлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда 1995 йилда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш ҳажмлари ўсишини рағбатлантиришга оид таклифларни киритсинлар.

9. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси шу йилнинг 1 мартигача, деҳқон(фермер) хўжаликларини ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги ташкилий шаклларини шакллантиришга ҳамда қишлоқда бозор инфраструктураси ва сервис хизмати кўрсатишни ҳар томонлама кенгайтиришга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонуний ва норматив ҳужжатлар мунтазам назорат қилинишини таъминласин ва уларга ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни ўз вақтида киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

❑Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний муборак Рамазон ойи кириб келиши, Индонезия Республикаси Президенти Сухарто Янги йил муносабати билан эзгу тилаклар изҳор этилган қутловлар йўлладилар.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Япония императори Акихито, Япония Бош вазири Томиити Мураяма Японияда юз берган зилзила муносабати билан юртбошимиз ҳамдардлик билдирганлиги учун самимий миннатдорчилик изҳор этилган дилномаларини йўлладилар.

❑Германиянинг машҳур «Фольксваген» автомобиль фирмаси Самарқанд шаҳрида ўз корхонасини очадиган бўлди.

❑Қумқўрғон тадбиркорлари Беларусь ишбилармонлари билан ўзаро ҳамкорликда велосипед чиқарадиган корхона қуришга келишдилар.

❑Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими «Энг яхши бободеҳқон» кўрик-танловини бошлади.

❑Бугун Тошкентдаги темирйўлчилар маданият саройида Афғонистондан собиқ совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганлигининг олти йиллигига бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

❑Бир гуруҳ таниқли олимларимиз француз ордени - Пальма академияси зобити белгисига муяссар бўлдилар. Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг етакчи илмий ходими Фозила Сулаймонова, таниқли француз тили ва адабиёти тарғиботчиси Эвелина Таюрская ва Андижон тиллар институтининг катта ўқитувчиси Аҳмадали Мамадалиев Франция ҳукуматининг мукофотига сазовор бўлдилар.

❑Республика шахмат-шашка клубида ўтказилган шахмат бўйича Тошкент шаҳар биринчилигида эндигина 9 ёшга тўлган Катя Корбут 11 имкониятдан 10 очко тўплаб, ҳатто онасини ҳам мусобақада ортда қолдириб, аёллар ўртасида шаҳар чемпиони бўлди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑Чеченистонда ўт отишни тўхтатиш тўғрисидаги аҳднома-га келишилганлигига қарамай, кеча ҳам Грозний шаҳрида отишмалар бўлди.

❑Дудаевчи кучлар штаби бошлиғи Аслан Масхадовнинг федерал қўшинлар қўмондонлиги билан музокаралар бошлаш тўғрисидаги илтимоси «Чеченистон Республикаси муфтиятининг талаби билан» бўлган эди, деб хабар қилди кеча Россия ҳукумати матбуот хизмати. Бу музокаралар ўтган куни бошланди ва бугун давом эттирилади.

❑Россия Федерацияси Конституциявий суди раиси этиб сайланган 68 ёшли Владимир Туманов бугун Конституциявий суднинг янгиланган таркибдаги биринчи матбуот конференциясини ўтказади.

❑Россия Федерацияси Федерация Кенгашининг раиси Владимир Шумейко яна МДҲ мамлакатлари Парламентлараро ассамблеяси кенгаши раиси этиб сайланди.

❑Москва банклараро валюта биржасида кеча бўлиб ўтган савдода 1 АҚШ доллари қиймати 4231 рублга кўтарилди.

ХОРИЖДА

❑Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдиннинг Словакияга ташрифи поёнига етди.

❑Латвия Республикаси ҳукумати бошлиғи Марис Гайлис бошчилигидаги делегация Страсбургга келди.

❑АҚШ Президенти Билл Клинтон Россия Президенти Борис Ельцинга телефон орқали қўнғироқ қилиб, Россиядаги ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлашини давом эттиражагини билдирди.

❑Ангола ташқи ишлар вазири Венасиу де Силва Моура БМТга мурожаат қилиб, ушбу халқаро ташкилотнинг тинчликни сақлаш қўшинларини зудлик билан Анголага юборилишини сўради.

❑ Кечадан бошлаб Хитой аҳолиси 1,2 миллиард кишига етди. Куньмин шаҳрида аҳоли кўпайиши масалаларига бағишланган симпозиум қатнашчиларига ана шу ҳақда хабар берилди.

❑Италия парламенти спорт ўйинларида зўравонликка йўл қўймаслик тўғрисида махсус декрет қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАҚТЛИ МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш ва вақтли матбуот ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва маданият ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитасининг республика ижтимоий-сиёсий газета ва журналлари ижодий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича тариф разрядларини (меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳини) нашрнинг ҳажми ва даврийлигига кўра 1995 йил 1 февралдан бошлаб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ўзлари нашр этаётган газета ҳамда журналлар муҳаррирларининг маошларини таҳририятлар меҳнатга ҳақ тўлаш гуруҳидан келиб чиқиб, таъсисчилар маблағлари ҳисобига таъсисчилар бошқармалари ва бўлимлари бошлиқлари (мудирлари) меҳнатига ҳақ тўлаш даражасида белгиласинлар.

3. Барча бошқа вақтли нашрлар таъсисчиларига бош муҳаррирлар меҳнатига тўланадиган ҳақни тегишли таъсисчи бўлим мудири маошидан кам бўлмаган даражада белгилаш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Давлат матбуот қўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ҳафта муддатда тегишли ўзгартиришларни амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тартибига киритсин.

5. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни газета ва журналларнинг бетўхтов чиқишини таъминлаш мақсадида қоғоз ва бошқа матбаа материалларини тузилган шартномаларга мувофиқ қатъий етказиб берилишини таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов ва Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ТАШАББУС КЎРСАТИШ ВА УНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ-1030-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қоидаларини амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республиканинг тижорат банкларига хусусий тадбиркорлик тузилмаларига уларнинг аризалари ва рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари асосида уч кун муддатда ҳисоб-китоб счётларини очиш тавсия этилсин.

4. «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар ва корпорациялар билан биргаликда товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга уларнинг буюртманомаларига биноан республика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган хомашё ва материалларни, одатда доимий фаолият кўрсатувчи ярмарка, республика товар-хомашё биржаси ҳамда «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмасининг бошқа улгуржи-воситачилик тузилмалари орқали шартномавий асосда сотилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикасининг вакил қилинган банкларига контрактлар, товарлар, хизматлар учун тўловларга норезидентлардан нақд муомладаги валютани қабул қилишларига рухсат этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарманинг ҳудудий бўлимларини шакллантиришда, ижарага бериш ёки сотиш йўли билан зарур хоналар ажратилишига ҳамда уларнинг унумли ишлаши учун тегишли шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Тўлаганов) республика кўчмас мулк ва фонд биржаларини жойлаштириш учун «Правда Востока» кўчаси 10-уйда жойлашган собиқ Свердлов номидаги концерт зали биносини ажратсин.

Давлат мулки қўмитаси (Гофуров), «Ўзсувқурилиш» давлат концерни (Ракитин) кўрсатиб ўтилган бинони реконструкция қилишни ниҳоясига етказсинлар.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 февралдаги 85-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 февраль.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Хусусий тадбиркорлик — бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Фаолиятни ёлланма меҳнатни жалб қилган ҳолда амалга ошираётган хусусий тадбиркор юридик шахс сифатида иш кўради ва корхонани рўйхатдан ўтказишга мажбурдир.

Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (якка тартибдаги тадбиркорлик) ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширишга ҳақлидир.

2. Хусусий тадбиркорнинг мулки давлат, кооператив ёки бошқа корхонанинг барча мулки ёки унинг бир қисми фуқаро мулкига ўтиши ёки у томонидан харид қилиниши, ижарадаги мулк сотиб олиниши ёки у қонунда назарда тутилган бошқача усулларда қўлга киритилиши асосида юзага келади.

3. Тадбиркор фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган корхона Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур низомга мувофиқ фаолият кўрсатувчи хусусий корхона ҳисобланади.

4. Қорақалпоғистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиши ва тугатилишининг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий асослари шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

II. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5. Хусусий корхоналар юридик шахс ҳисобланадилар, мустақил балансга, муҳрга, ҳисоб-китоб счётига эга бўладилар.

6. Хусусий корхона ўзи жойлашган жойдаги туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини олади.

Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга ошириш ҳоҳишини билдирган тадбиркор ўз турар жойидаги туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларига ариза берадилар, у «тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ кўриб чиқилади.

7. Хусусий корхоналар ўз филиаллари, шўъба корхоналари ва ваколатхоналарини ташкил этишлари мумкин.

8. Хусусий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтиш учун тадбиркорнинг аризаси, корхона устави, шунингдек, бир ойлик энг кам иш ҳақи миқдорида бадал тўланганлиги тўғрисидаги квитанция тақдим этилади.

9. Хусусий корхонани рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишнинг асосланган ҳолда рад этилиши ариза берилган кундан бошлаб уч кун мобайнида амалга оширилади. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган муддатда амалга оширилмаган ёки тадбиркор асоссиз деб ҳисобловчи сабабларга кўра рўйхатга олиш рад этилган бўлса, у судга мурожаат қилиши мумкин.

10. Ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил этмай амалга ошириш ҳоҳишини билдирган хусусий тадбиркорга тикилган ҳамда муҳр билан тасдиқланган даромадлар ва харажатлар дафтари, рўйхатга олинганлик тўғрисида гувоҳнома, уни хусусий тадбиркорлар реестрига албатта киритиб берилади. Бу ҳужжатлар ҳеч қандай қўшимча келишувларсиз банкда ҳисоб-китоб счётини очиш ва зарур реквизитларни тайёрлатиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

III. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИНГ МУЛКИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

11. Хусусий корхона мулкини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати корхонанинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлар ташкил қилади.

12. Хусусий корхона эгаси ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмайдиган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга ҳақлидир.

13. Хусусий корхона мажбуриятлар бўйича шахсий мулк ҳуқуқида корхона эгасига тегишли бўлган ўз мулки билан жавоб беради.

14. Хусусий корхона эгаси ишлаб чиқариш, тижорат ва юридик мустақилликка эга бўлади. Корхона эгаси хусусий корхонани бошқаришни ташкил этади.

15. Хусусий корхона ўз маҳсулоти (ишлар, хизматлар)ни, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича сотади.

16. Маҳсулотни сотишдан тушган пулдан барча ишлаб чиқариш ва бошқа мажбурий тўловлар (меҳнатга ҳақ тўлаш, ижара ҳақи, қарзларни тўлаш, ссудалар бўйича фоизлар ва бошқалар ҳам шунга киради)ни қоплаш суммаси чегирилгандан сўнг қолган даромад мулкдорнинг тадбиркорлик даромади ҳисобланади, уни мулкдор ўз ихтиёрига кўра тасарруф этади.

17. Фаолиятни хусусий мулк асосида амалга ошираётган хусусий тадбиркорларнинг даромадларига мулк эгасининг шахсий даромади сифатида қаралади ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқ солинади.

18. Хусусий тадбиркор пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини амалга ошириш учун исталган банкда ҳисоб-китоб ва бошқа счётларни очишга ҳақлидир.

19. Хусусий корхона томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар, уларда фирма белгиси ёки ишлаб чиқарувчининг фамилияси, буюмнинг номи ёки рамзи, буюмни ифодаловчи бошқа маълумотлар кўрсатилиб, албатта маркировка қилиниши керак.

20. Хусусий корхона белгиланган шакллар бўйича статистика ва бухгалтерия ҳисобини юритади. Хусусий корхона эгаси ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб беради.

21. Хусусий корхонанинг молиявий ва хўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари билан зиммасига текшириш функцияларини бажариш юкланган солиқ органлари, шунингдек, аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти текширилганда текширувчи органлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларнинг сақланишига риоя этилишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлайдилар.

IV. ХУСУСИЙ КОРХОНАДА ИШЧИ КУЧИНИ ЁЛЛАШ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

22. Хусусий корхоналар ходимларни томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилиб ёзма шаклда тузилган меҳнат шартномаси (контракти) бўйича ёллайдилар.

23. Меҳнат шартномаси (контракти) қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

маълум ихтисослик, малака ёки лавозим бўйича ишни бажариш мажбурияти;

контракт тузилган муддат;

меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот тартиби;

ходимнинг ижтимоий ҳимоялаганлиги;

меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;

томонларнинг келишувига кўра бошқа маълумотлар.

24. Хусусий корхона Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишга, корхонадаги ички меҳнат тартиби қоидаларини белгилашга, меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиенаси талабларига риоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.

25. Хусусий корхонада ишлаётган ходимларга белгиланган тартибда меҳнат дафтарчаси берилади.

26. Ёлланиб ишлаётган шахслар меҳнатига шартнома ёки контрактда кўрсатиб ўтилган ҳақ тўлаш давлат томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

27. Хусусий тадбиркор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий ва тиббий суғурта ҳамда ижтимоий таъминот жамғармаларига мажбурий ажратмалар ажратади.

28. Хусусий корхоналарда меҳнатга оид низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал қилинади.

V. ХУСУСИЙ КОРХОНАНИ ТУГАТИШ

29. Хусусий корхонани тугатиш мулк эгасининг қарори бўйича ёки суд томонидан таъсисчиларнинг корхонани ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлари қонуний кучга эга эмас деб топилган, банкрот бўлган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид фаолият амалга оширилган ҳолларда суд (хўжалик суди) қарори билан амалга оширилади.

30. Шахсий корхона давлат рўйхатига олиш реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

31. Маблағларнинг бюджет ва ташкилотлар, тугатилган шахсий корхона ходимларидан қарзлар белгиланган тартибда тўланганидан сўнг қолган қисми корхона эгасига тегишли бўлади.

VI. ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА БЕРИЛАДИГАН ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ

32. Давлат хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқларига ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини кафолатлайди, эркин ҳалол рақобат учун шароит яратади, моддий-ашёвий, молиявий, меҳнат, ахборот ва бошқа ресурсларни олишда, бу ресурслар бозорининг монополия қилинишига йўл қўймай, тенг имкониятларни таъминлайди.

33. Агар давлат ёки бошқа орган томонидан унинг ваколатига ёки қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган ҳужжат чиқарилиши натижасида хусусий тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилса, у бундай ҳужжатни қонуний кучга эга эмас деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

34. Давлат ёки бошқа органларнинг ёхуд уларнинг мансабдор шахсларининг хусусий тадбиркор ҳуқуқини бузувчи кўрсатмаларининг бажарилиши натижасида хусусий тадбиркорга етказилган зарар шу органлар томонидан, бунга бой берилган фойдани ҳам киритиб, қопланиши лозим. Зарарларни қоплаш тўғрисидаги низолар суд томонидан ҳал қилинади.

Маҳалладош

Кейинги пайтда маҳаллалар мавқеи, уларнинг жамиятимизда тутган ўрнига алоҳида эътибор берилаётгани барчамизни қувонтирмоқда. Айниқса ушбу масканлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш доимий эътиборда. Бу борада Миробод туманида ҳам хайрли ишлар амалга оширилаяпти.

Бундан бир неча йил илгари туманда 11 та маҳалла бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 37 тага етди. Бу жамоаларни ўз ишига пухта, билимдон, катта турмуш тажрибасига эга бўлган оқсоқоллар бошқариб боришмоқда. Шу боис ҳам белгиланган ишлар кўнгилдагидек бажарилаяпти. Туман ҳокимлиги маҳалла ва диний ишлар шўъбасининг мудири Шавкат Жавлонов «Маҳалла» дастурини бажариш бўйича белгиланган тадбирлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

«Маҳалла» дастури қандай бажарилмоқда?

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

— Туманимиздаги маҳаллалардан 16 тасини кўп қаватли уйларда яшаётган аҳоли ташкил этади. «Маҳалла» дастури юзасидан режалаштирилган ишларнинг бажарилишида тадбиркорлик, ишбилармонлик асосий мезон бўлмоқда. Бу борада оқсоқоллардан Исматулла Рустамов, Владимир Асатуров, Тўхтапўлат Содиқов, Муҳайё Исмоиловалар бошчилик қилаётган «Сарикўл», «Биродарлик», «Файзиобод», «Қўйлиқ ота» ва бошқа кўплаб маҳаллаларни ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда ана шундай жамоалардан 21 таси ўз идораси ва чойхоналарига эга. Идораларга телефон туширилиб, радиолаштирилган, 70 фоиз маҳаллаларда тўй ва маъракаларга етадиган идиш-товоқ ҳамда зарур жиҳозлар мавжуд.

1994 йил давомида ижтимоий соҳада муайян ишлар қилинди. Жумладан, «Наврўз» маҳалласининг Бехтеров ва «Парвона» маҳалласининг Грант Агонянс кўчалари газлаштирилди. Шу билан бугунги кунда туман буйича барча маҳаллаларнинг тўлиқ газлаштирилишига эришдик.

Электр тармоқларининг бенуқсон бўлишига эришаяпмиз. «Билимдон» ва «Одоблик» маҳаллаларида 3 километрдан зиёд электр тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилди. Оқава сувлар қувурлари «Сарикўл» маҳалласининг Парда Турсун, Филатов, «Билимдон» маҳалласининг Билимдон, Одоблик, «Байналминал» маҳалласининг Черномир, Краснофлот, Азов кўчаларида 2 километр масофага ўтказилди. Асфальт ётқизиш, кўча ва йўлакларнинг мукаммал таъмири барча ёрдамга муҳтож маҳаллаларда амалга оширилди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса «Навбаҳор», «Одоблик», «Билимдон», «Мерган», «Сарикўл» маҳаллаларида бажарилди. Туман бўйича 26 хонадон телефон билан таъминланган. Марказда жойлашган барча хонадонлар тўлиқ радиолаштирилган.

Суғориш шохобчаларини мукаммал таъмирлаш бўйича эса режа бажарилмай қолди. Бунга асосий сабаб маблағ етишмаганлиги ҳамда «Сувсоз» трести томонидан оқава сувлар ва сув қувурларини таъмирлангандан сўнг ўз вақтида топширилмаганлигидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, маҳаллаларни ободонлаштиришга фаоллар муносиб ҳисса қўшишаяпти. Баъзи маҳаллалар аҳли ташқаридан берилаётган ёрдамни кутиб ўтирмай, ҳашар йўли билан кўплаб вазифаларни уддалашаяпти. Масалан, «Минг ўрик» маҳалласининг аҳли ўз сардорлари Ҳамидулла Ёқубов бошчилигида тўйхона ва новвойхона қурди.

Яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Режалаштирилган ишларнинг кўнгилдагидек амалга оширилишида туман ҳудудида жойлашган «Узэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, «Ўзбекдеҳқонқурилиш» ташкилоти ва бошқа меҳнат жамоалари яқиндан ёрдам беришаяпти.

Бу йил ҳам ижтимоий соҳада кўп ўзгаришлар қилишни режалаштирдик. Гузарлар қурилишига эътиборни кучайтирамиз. Чунки бугунги кунда 16 маҳалланинг ўз гузари йўқ. Кўча ва йўлаклар, шунингдек сув шохобчаларини таъмирлаш, озиқ-овқат, саноат моллари дўконлари қуриб, аҳолига қулайлик яратиш мўлжалланмоқда. Қувончлиси шундаки, қилинаётган ўзгаришлардан мамнун бўлган одамлар раҳмат дейишмоқда.

Дония ЗОКИРОВА.

Суратли лавҳа

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»ДА БИР КУН

Кимё хола телефон жиринглашидан уйғониб кетди. Аста ўрнидан туриб гўшакни қулоғига тутди: «Лаббай, ҳа, ҳозир етиб бораман». «Қарилик қурсин, — ўзини койиган бўлди Кимё хола, — ёдимдан кўтарилибди, бугун маҳалла клубида ёш оналарга шифокор маслаҳати ва тиббий кўрик уюштирилмоқчи эди».

Маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Кимё Исроилова катта хонага кирганида шу маҳаллада истиқомат қилувчи болалар шифокори гўдакларни бир-бир текширувдан ўтказиб, оналарига маслаҳат бераётган эди.

Бундай тадбирлар Акмал Икромов туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалласида ойда бир-икки марта ўтказиб турилади. Унинг қулайлиги шундаки, биринчидан ёш оналар боласи касал бўлгандагина поликлиникага югуриб, узун йўлакларда соатлаб навбат кутишмайди. Иккинчидан, гўдаклар доимий тиббий назоратда бўлиши оқибатида ҳар қандай касалликнинг олди олинади, фақат аҳвол жиддийлашгандагина поликлиникага бориш тавсия этилади.

... Тикув машиналарининг шовқини тўлган хонага маҳалла оқсоқоли Одила опа кириб келди. Тикувчи қизларга яқин бориб улардан ҳол-аҳвол сўраган бўлди, қилаётган ишларини кўздан кечирди. Сўнгра иш юритувчидан ҳисобот олди, муаммолари билан танишди. Гарчи иш секинлик билан силжиётган бўлса-да маҳалла оқсоқоли Одила Умархўжаева тушкунликка тушмади. Чунки асосий режа амалга ошди: бугунги кунда 70 га яқин киши бевосита маҳалланинг ўзида халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш билан банд. Уларнинг асосий қисми хотин-қизлардир. Бу миқдорга уйда касаначилик қилаётган аёлларни ҳам қўшсак юздан ошиб кетади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот эса аввало маҳалла аҳолисига сотилади.

Одила опа ташқарига чиқди. Маҳалла идораси томон йўл олди. Идорада уни ҳуқуқий масалалар бўйича ўринбосари кутиб ўтирган экан.

— Ҳабибуллажон, эрта-индин маҳалламиздаги бир қанча ёшлар мустақил юртимизнинг паспортини олишга боришади,— деди оқсоқол.— Улар фахримиз бўлган бу ҳужжатнинг моҳияти, қадр-қиммати хусусида учрашув ўтказишни сўрашибди. Шунинг учун сизни йўқлаган эдим. Эртага дам олиш куни, ёшлар клубга йиғилишмоқчи.

Ҳабибулла Абдуалиев Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институтида дарс бериш билан бирга маҳалладаги барча ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда бошқош. Ёшлар билан ишлаш борми ҳужжатлар билан битадиган иш борми, барчаси у кишисиз битмайди. Шундан бўлса керак ўтган йили маҳаллада ёшлар ўртасида тартиббузарлик билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермади.

Болалар боғчаси ҳовлисига кирганда Одила опанинг қулоғига мусиқа остидаги кичкинтойларнинг шўх қўшиғи эшитилади.

«Шарқ юлдузи» маҳалласининг гузари доимо гавжум, бу ерда ҳар куни ҳар хил ҳолатни кўриш мумкин. Аммо чойхоначи Маҳкам ота доимо бир хилда — кўкка бўй чўзган дарахтларга тикилганча хаёл сурганча ўтирган бўлади. Бу тупроққа илк бор қадам қўйганида иккитагина дарахт бор эди. Иккинчи жаҳон урушидан омон чиққан йигит иккинчи гуруҳ ногирони бўлишига қарамай маҳалла барпо қилишга киришиб кетди. Қарамоғида етти фарзанди бўлса-да фақатгина болам-чақамга бўлсин демади, юртим, элим, маҳаллам деди. Одила опа билан маҳаллани обод қилишдаги ишларини тез-тез эслайди. Тақдирга шукроналар айтади. Чунки қачонлардир, элим деган одам бугун эл иззатида. Йигирма уч набирани бобоси, маҳалланинг пиру бадавлат отаси.

Маҳкам ота маҳалла идораси томон келаётган Одила опа ҳамда унинг ўринбосари, маҳалла фахрийлар кенгашининг раиси Тўлаган Ғаниевни кўрди. Эртага фахрийлар билан учрашув бўлиши керак, шунга тайёргарлик кўрилади. Аста ўрнидан туриб идора эшиги томон йўналди, маҳалланинг янги куни бошланди...

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: «Шарқ юлдузи» маҳалласи жўшқин ҳаётидан лавҳалар.



Президент Фармони — амалда

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Президентимиз, мустақил давлатимиз раҳбарлари маҳаллаларнинг обрў-эътибори ва мавқеини ошириш учун саъй-ҳаракатлар қилишаётганини ҳар биримиз фахр билан гапирмоқдамиз. Айни пайтда бу масканлардаги янгиланишлар, ижтимоий соҳа, маданий ва маънавий ҳаётдаги хайрли ўзгаришлар ана шу эътиборнинг меваларидир.

Одатда бирор бир маҳаллага йўлингиз тушиб қолса маҳалланинг номи ёзиб қўйилган кўрсаткичдан тортиб, кўчалар ва хонадонларнинг саранжом-саришталиги, одамларнинг муомаласи-ю каттакичикнинг ҳурматигача эътиборингизни тортади. Зеҳн билан разм солиб, ушбу гўшада қандай инсонлар яшаётгани, маҳалланинг обрўси қай даражада эканлигидан хулоса чиқарсангиз бўлади. Республикамиз мустақилликка эришиб, юртимизга узоқ-яқиндан, хорижий мамлакатлардан меҳмонлар келаётган экан, маҳаллаларимизни эл назари тушадиган жойга айлантириш ҳар қачонгидан ҳам зарур, деб ўйлаймиз. Хўш, бу нималарга боғлиқ?

Бизнингча, биринчи навбатда жамоани бошқараётган оқсоқол кўпни кўрган, оқил, тадбиркор, маҳалланинг паст-баландини яхши биладиган киши бўлиши керак. Унинг ақл билан иш юритиши, одамлар билан муомаласи, шахсий ташаббуси, сўзининг устидан чиқиши кўп нарсаларни ҳал қилади. Эндиликда одамларни наҳорги ошга хабарлашув, ойда бир марта мажлис ўтказиб қўйиладиган иш услуби эскирди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида оилаларнинг иқтисодиётини яхшилаш, ёрдамга муҳтож кишиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, аёлларни иш билан таъминлаш, қўйингки маҳалладошларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган барча масалаларнинг ҳал этилишига бош-қош бўлиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, елиб-югураётган оқсоқоллар маҳалла обрўсини кўтармоқдалар.

Улуғбек туманидаги «Мустақиллик» маҳалласининг оқсоқоли Ҳусан ака Тўйчиев босиқ, гапни обдон ўйлаб, аммо чўрт кесиб гапирадиган, ўрта ёшлардаги зиёли киши. Кўп қаватли уйларда бу маҳалланинг ташкил этилганига энди тўрт йил бўлди. Ҳусан ака фаоллар бошини қовуштириб, энг муҳими, бақувват ҳомийлар топиб, кўп ишларни қилишга улгурди. Шундоққина «Болалар дунёси» дўкони олдида шинам маҳалла идораси, отахонлар чойхонаси, новвойхона пайдо бўлди. Одамлар тўй ва бошқа маросимлар ўтказиши учун етарли шароитлар яратиб берилди. Ҳусан ака билимдон, обрўси бор экан, «Бахт» жамоа корхонаси, «Элдорадо» фирмаси каби ҳомийлар моддий томондан ёрдам қўлини чўздилар. Республика Алоқа вазирлиги ва Автомобиль йўллари вазирлиги маҳалла учун телефон аппаратлари ва енгил автомобиль совға қилишди. Ҳусан ака Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ҳуқуқларни яхши билади. Шу боис ҳам маҳалла ҳудудидаги бирорта ташкилот, муассаса ёки корхонадаги тадбирлар одатда оқсоқолсиз ўтмайди. У кишининг мавқеи, тутган ўрнига қараб маҳалланинг ҳурмат-эътибори ҳам шунга яраша.

Маҳалла қай даражада гуллаб-яшнаб кетиши, хонадонларда осойишталик, ҳамжиҳатликнинг юзага келиши кўп жиҳатдан фаолларнинг бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишларидан ҳам бўлса керак. Чунки уларнинг кўмагисиз оқсоқолнинг бир ўзи кўп нарсага эришолмайди. Масалан, С. Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласида 60 нафар фаоллар бор. Маҳалла комитетини эса 24 киши бошқараяпти. Тошкент Давлат университетининг профессори Раҳим ака Тиллаев маҳалла ХДПсининг раиси, Тошкент Давлат техника университетининг доценти Потихкомил ака Ғуломов ёшлар билан ишлашга масъул. Тошкент Давлат университетининг доценти Йўлдош ака Иброҳимов оқсоқоллар кенгашининг раиси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг доценти Назира Раҳимова хотин-қизлар кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Саидаҳмад ака Обидов тўй ва маросимларни ўтказиш комиссиясининг раиси. Кўриб турибсизки, фаоллар асосан оқ-қорани таниган, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган домлалардан иборат. Шундай бўлгач маҳалла аҳлининг маънавий ҳаёти, турмуш даражаси тобора яхшиланиб бориши ўз-ўзидан равшан. Ҳар бир фаол аниқ вазифага эга. У ёшлар билан ишлайдими, бирорта кўчага бириктириб қўйилганми барибир, унга ишонч билдиришдими, шу ишончни оқлашга масъулият билан ёндошади. Маҳаллада бирор тадбир ўтказилса барча фаоллар шу ерда, хизмат борми, дея қўл қовуштириб туришади, уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик сезилиб туради. Бу ҳам маҳалланинг обрўси экан.

Яна бир томони, маҳалланинг мавқеи шу ерда истиқомат қилаётган кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ўз навбатида отахонлару онахонларнинг доно маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан белгиланади. Ўзингиз бир тасаввур қилинг, чойхоналарда, хонадонларнинг олдида эгниларига оқ яктак кийган, оппоқ соқоллари кўксига тушган нуроний отахонлар суҳбат қуришса қанчалик файз, қут-барака бўлади. Орамизда шундай оқилу фозил мўйсафидларимиз борлиги, қийналиб қолганимизда бир оғиз сўзи билан суяб юборишларини билиб, ҳаётга муҳаббатимиз ортади, кўнглимиз тўқ бўлади.

Сергели туманидаги Қумариқ маҳалласи марказида чойхўрлик қилаётган отахонлар доимо маҳалла кўркига кўрк қўшишаяпти. Яхши томони, кўпгина муаммолар шу ерда, ёшлар иштирокида ҳал қилинаяпти. Ўғил-қизлар уларнинг панд-насиҳатларига қулоқ соладилар. Шу сабабли кейинги икки йил давомида ўсмирлар ўртасида қонунбузарликлар содир бўлмади. Отахонлардан Мўмин Муҳамедов, Йўлдош Исматов, Тўлаган Маҳкамов, Зоҳид Исломов ва бошқалар кексалик гаштини суриш билан бирга, ўз куч-ғайратларини ёшларимиз соғлом фикрли, маънавий етук бўлиб камол топишларига сарфлаяптилар. Бу эса маҳаллада ахлоқ-одоб, маънавий қадриятларнинг юксак даражада бўлишига олиб келмоқда.

Санайверсангиз, маҳаллани элга танитиш, обод, кўркам масканга айлантириш омиллари жуда кўп. Биз айримлари тўғрисидагина ўз фикр-мулоҳазамизни баён этдик, холос. Бу борада балки Сизларнинг ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингиз бордир, азиз муштарийлар!

Саъдулла ШОДИЕВ.

Кўпнинг кенгашига

МАҲАЛЛА ОБРЎСИ НИМАЛАРГА БОҒЛИҚ?

Ўзбек миллати энг болажон халқ. Шу боис ўзбекнинг оиласи катта, фарзандлари кўп. «Ҳар кимнинг ризқ-насибаси ўзи билан», деган нақлга ишонади, халқимиз. Албатта ҳар бир оиланинг маъмурчилик ва муҳтожлик кунлари бўлади. Аҳолининг моддий-маиший турмушини яхшилашда республикамиз Президенти жонбозлик қиляптилар. Жумладан, Президентимизнинг 1994 йил 25 августда эълон қилинган Фармони кўп болали оилаларнинг дардига малҳам бўлди. Фармонга биноан, республикамиздаги барча маҳаллалар жамғармаларига давлат бюджетидан катта маблағ ажратилди. Ҳар бир маҳалла комитетига муҳтож оилаларни аниқлаб, ёрдам бериш ҳуқуқи берилди.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги Президентимиз Фармонини бажаришда намуна кўрсатяпти. Моддий тақсимотга оид кенгашлар, суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилди, ҳар бир маҳаллага ҳужжатлар ўз вақтида, етарли миқдорда етказиб берилди. Бунинг натижасида муҳтож оилалар тезда аниқланиб, уларга моддий ёрдам бериляпти. Айниқса, тумандаги «Кенжа» маҳалласида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу масканда 40 дан ортиқ кўп қаватли уйлар жойлашган, уларда 10 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аниқланган ҳар бир оиланинг аризасини тўплаш, далолатномалар ва маҳалла йиғинларининг қарорларини ёзиб тўлдириш осон эмас. Баъзи сабабларга кўра, ҳалигача маҳалла идораси йўқ. Аслида асосий ҳужжатларни котиб расмийлаштириши керак. Зотан, ҳанузгача котиб бўлмагани учун бу вазифа фаоллар зиммасига тушди. Мана беш ой бўлибдики, бу масъулиятли юмушни оқсоқол маслаҳатчиларидан бири, истеъфодаги полковник Ҳасан Тўйчиев бажаряпти. Ҳасан аканинг иш столи аризалар, далолатнома ва қарорлар билан тўла. Президентимиз «Ҳар киши савоб иш қилиши керак, ҳар куни савоб иш қилиш керак», деганларидек у киши беназир, холис хизмат қилиб келмоқдалар.

Ҳозирги пайтда маҳаллада моддий ёрдамга муҳтож оилалар сони 120 дан ошиб кетган. Уларга шу пайтгача 100 минг сўм маблағ тақсимлаб берилди. Асосан кўп болали оналар, ёлғиз ногирон кишилар ёрдамдан баҳраманд бўлишяпти.

Маҳалланинг 21-уй, 22-хонадонида яшовчи Ирода Шамсутдинова ўз миннатдорчилигини шундай изҳор этди: «Яқинда умр йўлдошимдан жудо бўлдим. Олти болам отасиз қолди. Уларни едириб-ичириш, кийинтириш осон эмас. Ишлаб топган пулим рўзғорга етмайди. Шундай оғир дамда маҳалла ёрдами дардимга малҳам бўлди. Ҳар ойда 300 сўмдан олаяпмиз. Бундай ғамхўрлик учун давлатимизга раҳмат». 18-уйнинг 53-хонадонида истиқомат қилувчи 1-гуруҳ ногирони Саодат ая моддий ёрдам учун Президентимизни дуо қилгани-қилган.

Хуллас, бугунги кунда маҳалладаги 120 дан ортиқ хонадонда яшовчи юзлаб фуқаролар беминнат ёрдамдан баҳраманд бўлмоқдалар.

Файзулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Элга хизмат — олий ҳиммат

ИККИ ҚЎЛИ КЎКСИДА

Одамга кулиб туриб, икки қўли кўксида муомала қилиб, кишиларнинг тезда назарига тушган Шайхонтоҳур туманидаги «Катта боғ» маҳалласидаги 58-дўкон сотувчиси Муҳаммаджон Қосимов олқишга сазовор бўлиб келмоқда. Бу йигит ўз касбининг фидойиларидан. Дўконга келган ҳар бир кишининг ҳожатини чиқаришга, ҳаммага бирдек хизмат қилишга ҳаракат қилади. Маҳалла фаолларидан Эркин ака, Малик ака, Забихилла ака, Қаҳҳор ака, Шоҳид акалар Муҳаммаджоннинг отасига раҳмат, озиқ-овқат маҳсулотларини ҳар бир оила аъзоларига вақтида етказишга ҳаракат қилади, дея унинг яхши хислатларини санаб кетдилар.

Инсон бошига оғир кун тушганда, унинг кўнглини кўтариш, дардига малҳам бўлиш қадимдан қадрланиб келаётган яхши одат. Маҳалладаги бир оила бошига тўсатдан мусибат тушиб, қийналган пайтда Муҳаммаджон бориб, рўйхат бўйича бериладиган озиқ-овқатларни олиб кетишлари, маъракаларга керак бўлса, маҳалла фаоллари билан келишиб, маҳсулотларни етказиб бериш мумкинлигини айтганда, хонадон аъзоларининг қанчалик кўнгли кўтарилганини бир тасаввур қилиб кўринг.

Биз гоҳида ўз юмушларимиз, турмуш ташвишлари билан бўлиб, ёру биродарларимизни йўқлолмай қоламиз. Муҳаммаджон эса ҳаммани оила аъзоларидан сўраб, суриштириб, керак бўлса, мўйсафидларни дам олиш пайтларида бориб кўради. Катта оилада тарбиялангани учун ҳам ҳамма билан тил топишиб кетади.

Азизахон НОСИР қизи.

Оила —мактаб — маҳалла

ОҚСОҚОЛЛАР КЎМАГИДА

Ҳудудимизда «Қўшчинор», «Собиробод», «Уч қаҳрамон», «Шодлик» маҳаллалари жойлашган. Шу масканларда 1993 йилда 32 нафар тарбияси оғир, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган, милиция назоратида турувчилар бор эди. Мен шу ўсмирларнинг уйларига бориб, уларнинг ота-оналари, оила аъзолари ҳамда турмуш шароитлари билан танишдим, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашдим. Ҳар бир болага ҳомийлар бириктириб қўйдик. Шу билан бирга ички ишлар бўлими ва прокуратура ходимлари билан ҳамкорликда тез-тез суҳбатлар уюштирилди. Шу тариқа ўсмирларни билим юртларига ўқишга, меҳнат биржаси орқали ишга жойлаштирдик. Бундан ташқари, юқоридаги маҳаллалар ҳудудида жойлашган 21,220,259,265,271,302-мактаблар жамоаси ёрдамида тарбияси оғир болалар орасида тарбиявий ишлар олиб борилди, тадбирлар ўтказилди.

Болаларнинг мактабдан кейинги бўш вақтларини банд қилиш мақсадида «Наврўз» маҳалласида «Гулдаста» ўсмирлар масканини ташқил қилдик. Бу жойда 8 турдаги, яъни наққошлик, дурадгорлик, бичиш-тикиш, тўқиш, ёш радиотехниклар, мусаввирлик, кулолчилик, ёш суратчилар тўгаракларида ишлаб турибди. Ҳар бир тўгаракка ўттиздан ортиқ болалар жалб этилган. Шунингдек, қизиқишларига қараб тарбияси оғир ўсмирлар ҳам бириктириб қўйилган.

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йилнинг охирига келиб тарбияси оғир ўсмирлар 8 нафар қолди холос. Айни пайтда уларга маҳалла фаолларидан ҳомийлар бириктириб қўйилган. Бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эришаяпмиз.

Шуни ҳам айтиш зарурки, «Гулдаста» масканида мактаб, оила, маҳалла билан боғланган ҳолда тарбиявий ишларни кучайтираяпмиз. Шу боис бу ер шу кунларда ажойиб марказга айланган. Ишларни бошқаришга ота-оналар, маҳалла фаоллари ҳам жалб қилинган. «Уч қаҳрамон», «Наврўз», «Собиробод», «Қўшчинор» маҳаллаларининг оқсоқоллари С. Қосимхўжаев, Ю.Омонов, А.Қодиров, М.Набиевлар билан биргаликда ота-оналар ва ўсмирлар иштирокида ҳар хил мавзуларда суҳбатлар ўтказдик. Ўқувчиларнинг дам олиш таътилларида турар жойлар, мавзелардаги болалар майдончаларида оромгоҳлар ташкил қилдик. Шу ерда жойлашган мактаблардан ўқитувчилар тарбиячи қилиб бириктириб қўйилди. Болаларнинг туман ҳокимлиги орқали кинотеатрлар, қўғирчоқ театри, сув саройларига бепул бориши таъминланди.

Булардан ташқари, дам олаётганлар ўртасида спорт мусобақалари, туристик саёҳатлар, байрам беллашувлари ўтказилиб, голибларга совғалар берилди.

Турар жойлардаги ўсмирлар билан доим байрамлар ўтказяпмиз. Жумладан, «Наврўзи олам», «Мустақиллик куни», «Бахтимиз Қомуси — халқимиз таянчи», «Баҳор келди», «Қушлар байрами», «Кўча байрами» каби тантаналар сценарийлар асосида мактаблар, клублар, турар жойлардаги майдончаларда ташкил этиляпти. Асосий вазифамиз соғлом, онгли, маданий ёшларни тарбиялашдан иборатдир.

Шоира НУРИТДИНОВА,
Юнусобод тумани халқ таълими бўлими муаллим-ташкилотчиси.

Миртемир ака нафақат хассос шоир ва моҳир таржимон эдилар. У киши меҳрибон устоз ва мураббий, бетакрор хислатларга эга бўлган беозор ва покиза, ҳалол инсон сифатида ҳам беҳисоб шогирдлар, шеърият муҳлислари, қадрдон дўстлари қалбининг тўридан жой олгани шубҳасиз. Улар ҳамиша бу буюк инсонни эслаб, «Илоҳим руҳингиз ҳамиша шод бўлсин, озор чекманг», дейди. Устоз тирик бўлганида бу йил 85 ёшга кирар эди.

Қуйида биз шоир билан кўп мулоқотда бўлган адабиётшунос олим Ғаффор Мўминовнинг хотираларидан айримларини газетхонларга ҳавола қиламиз.

ЁДНОМАЛАР

ИБРАТ

Маълумки, ижодкор бисотида неча кун, неча тунларни бедорлик билан ўтказиб, оғир меҳнат, қалб сирқираши, асаб хорғинлиги ҳисобига, узоқ изланишлар натижасида топилган поэтик образлар, ташбеҳ, таъриф ва тасвирлар бўлади. Катта меҳнат эвазига қўлга киритилган бу топилдиқ унинг учун нақадар қимматли эканини англаш қийин эмас.

Миртемир аканинг ана шундай дамларда ўзини енгил ҳис қилиб, роҳатланиб юрган кезларини кўп кўрганмиз.

1962 йилнинг кузида Миртемир ака ёзувчиларнинг Ғаградаги ижод уйида дам олади. Олим ва таржимон Ш. Шомуҳамедовнинг гувоҳлик беришича сайр этиб юриб Пицундадаги XIII асрларда қурилган гўзал узлатхонани томоша қилар экан, мисоли нур таратиб турган ёрқин сиймо — гўзал Бибимарямнинг сувратини кўриб ҳайратланади ва узоқ тикилиб қолар экан, беихтиёр: «Бу гўзал бир шеър учун катта мавзу-ку»,— деб юборади. Шоир қалбида уйғонган туғён, ҳис-ҳаяжон уни безовта қилади. Шу куни қуйидаги сатрлар майдонга келган эди:

Чинакам сулувсиз,
чинакам барно,
Тенги йўқ сиймо.
Кўзингизда асрий ва
сирли маъно,
Мужассам зако...
Жумбоқдай ҳикматсиз,
Сўз йўқ Бибижон,
Яратганнинг ўзи яратиб
қўйиб,
Ўзи шайдо бўлиб, ўзи
саргардон,
Томоша қилармиш
аршдан тўйиб.

Бунда шеърнинг бутун бир томирини тортиб турган, Миртемир шеърий оламининг мулкига айланган ифода ва поэтик образ мавжуд. Бу машаққатли ижодий жараёнда туғилган шоирнинг чинакам топилдиғидир. Ана шундай оригинал ўхшатиш, поэтик образлар айрим бошқа шоирлар шеърларида тез-тез такрорланиб турар, Миртемир ака эса ўзича куйиниб: «Қандай нотантилик», деб бош силкиб қўяқоларди.

Бу хил ҳодисалар хусусида Миртемир аканинг кўп фикрларини эшитгандим. У киши билан суҳбатлашиш, бетакрор сўзларини мутолаа қилиш жуда завқли эди. Ўзларининг розиликлари билан Пушкин кўчасидаги ижодхонасида ана шу суҳбатларнинг кўпларини магнит лентасига ёзиб олган эдим. Ҳозир беихтиёр шуларни эслаяпман, мана, улардан айримлари:

«...Китобхон ҳозир жуда ҳам талабчан, зукко. Китобхон ҳозир жуда ҳам саводли. У ҳамиша янги гап эшитгиси келади, янги образлар, янги шеърий шакллар кутади. Ҳам мавзуда, ҳам бадиий ифодада янгилик қидиради, янги гап ўқигиси келади... Лекин афсус, ҳали ўз устида ишламаслик натижасида китобийликдан, такрордан қутулолмаётган ижодкорлар кўп... Фақат ўзидан аввалги шоирларни ва ўз тенгдошларини қайтариб, уч-тўрт китобдан кейин ҳам назирагўйликдан, кўчирмачиликдан қутулолмаслик кечириб бўлмас бир ҳол. Буни ҳеч кимга раво кўрмайман. Бу китобхонни кўзга илмаслик, ўзига талабчан бўлмасликнинг оқибати...

...Таъсир, назира — булар биринчи қадамдагина сал кечириш мумкин бўлган нарса. Тажрибали ёзувчиларда учраши — бу гуноҳ... Баъзи шеърларни ўқиганда кишини ранжитадиган ўринлари кўп бўлади. Улар ўз истеъдодларини чинакам ижодга қаратмай монтаж қилиш билан овора бўлишади... улар шеъриятда бирдан ярқ этиб янги бир тимсол, янги бир мавзу пайдо бўлса дарров нусхасини беришга уста... Бундай фикрлар, образлар асардан асарга кўчиб юриши поэзиянинг оҳорини тўкиш, обрўсини туширишдан бўлак нарса эмас...»

Кунлардан бир кун суҳбатлашиб ўтирган эдик, адабиётда анчагина танилган шоирлардан бири келиб Миртемир акадан ўзининг янги шеърий китобига муҳаррирлик қилишини сўради. Миртемир ака, иши бошидан ошиб ётган бўлишига қарамай, рози бўлди. Бир неча кун шу иш билан банд бўлдилар. Китоб 1970 йилда Ғ. Ғулом номидаги нашриётда «Буюклик» номи билан чоп этилди. Китобдаги даврининг аллома шоирасига бағишланган «Тоғлар» шеъридаги қуйидаги сатрлар эътиборимни тортди:

Бир пайтлар табиат Сизни
яратиб,
Сўнг балки ўзи ҳам
қолгандир ҳайрон.
Тенгсиз салобату
Қудрат бахш этиб,
Ҳавас ҳам қилгандир
сўнгра бир жаҳон...

Бу Миртемир аканинг «Бибимарям» шеъридаги тайёр тасвир ва фикрлар эди. Миртемир ака-дан, қандай қилиб бунга йўл қўйдингиз, деб сўрасам:

— Начора, шуни онгли равишда қилиб, бутун шеърни шу тасвир асосига қурган экан. Ранжимасин дедим. Уқувчининг ўзи ажратиб олади, — дедилар.

Шоирни жуда ноқулай ҳолга солган бу номаъқул тақлид ўз ижодига нисбатан бўлгани учун ҳам андиша тузоғида қолиб кўп изтироб чекаётганини англаб, ошиқча саволга тутмадим.

Миртемир ака ана шундай ҳар кимга ибрат бўла олгучи покиза, серандиша, мулойим инсон эди.

«ОТАНГ ТЕНГИ ОДАМ»

Миртемир аканинг турли туҳмат-надоматлардан халос бўлиб, халқ меҳрини қозонабошлаган, раҳбарият эътиборини ҳам қозониб улкан анжуманларда минбарлардан шеърлар ўқиб, янги китобхон авлод ўртасида довруғи кетган, кетма-кет шеърий китоблари ўзбек ва қардош халқлар тилларида чоп этилиб, кўнгли тоғдай ўсиб, муттасил ижод оғушида яшай бошлаган кезлар эди.

Шу йиллар Миртемир ака «Ишчилар шаҳарчаси»даги ҳовлисининг этак томонидан ойнавандли, кенг бир ижодхона қурдирдилар. Табиий, янги уйнинг санитар бурчаги ҳам бўлиши керак эди. Бунинг учун бир қанча мураккаб муаммоларни ҳал қилиш зарур эди.

Миртемир ака ғоят нозиктаъб одам эдилар. Озодалик, саранжом-саришталикни яхши кўрардилар. Кўчада кетаётиб баъзи ҳовлилардан чиқинди сувларни кўча ариқларига оқизиб қўйганларини кўриб ижирғаниб ўтар эдилар. Шу важдан бу янги қурилишдаги ювиниш хонасидан чиқинди сувларини тортиб кетадиган чуқур ўра ковлатиш керак эди. Бу иш ўзларининг қўлларидан келмаслигини билиб кичик ўғиллари Мирзони мардикорлар бозорига туширган эканлар. Шу дам олиш куни, илгаридан келишилганидек, мен ҳам келган эдим. Миртемир ака дам олиш кунлари, айниқса, кечки пайт, сайр қилишни яхши кўрардилар.

Бироз суҳбатлашиб ўтирган эдик, шу пайт эшикдан Мирзо елкасига калта сопли кетмон ташлаган эллик ёшлар чамасидаги бир киши билан кириб келди. Саломлашдик. Миртемир ака худди илгари кўрган кишисидек қуюқ кўришиб, меҳмонни сўри тагидаги столга таклиф қилдилар. Қуюқ мулозаматли, гапга чечан водийлик бу меҳмон Миртемир акага ёқиб қолди. Чой устида у кишини суҳбатга тортдилар:

— Қаердан бўласиз, меҳмон?

— Ака, Фарғонанинг Яйпан қишлоғидан.

— Маъқул. Водий бизга жуда қадрли ўлкалардан. Болалардан қанча?

— Уч ўғил, икки қизимиз бор. Ўғилларни уйлаганмиз. Энди икки қизимизни узатишимиз керак. Тирикчилик, колхозда пича ишлар енгиллашгач, баъзи ишларни болаларга топшириб бир-икки ой мардикорлик қилиб турамиз.

— Нечага бордингиз?

— Худо хоҳласа бир кам эллик.

— Қаранг, қандай яхши сақланибсиз. Жисмоний меҳнат шарофати бу.

Бу борада дастурхонга шўрва келтирилди. Меҳмон бироз бесарамжон бўлиб, хижолатдан:

— Бояги ўғлимиз қанилар? Бизга ишни кўрсатсалар бўларди, — деди.

— Йўқ, йўқ. Сиз ташвиш тортманг. Бу ишни ёшлар ўзи қилиб қўйишади, — деди Миртемир ака меҳмонни юпатиб, — Сиз билан танишганимдан беҳад хурсандман. Бошим осмонга етди. Хотиржам бўлинг, бугунги кунингиз бекор кетмайди.

Суҳбат шу даража қизғин эдики, куннинг тушдан оғиб қолганини ҳам сезмадик. Пахта ишлари, умуман қишлоқ турмуши муаммолари, айрим удумларимиз ҳақида кенг фикр олишув бўлди. Миртемир аканинг болаларча содда ва самимий мулоқотлари, ўта қизиқувчанлиги меҳмонни ҳайратга солган эди. У инсон қадрини жуда эъзозловчи бундай дилбар одам билан ҳамсуҳбат бўлаётганидан чексиз мамнун эди. Буни унинг ғоят одоб билан сўзлашиши, самимий табассуми, баъзи гапларга тан бериб хандон отиб кулишларидан билиб олиш мумкин эди.

Суҳбат охирлагач, меҳмон рухсат сўраб кетишга ҳозирлана бошлади. Миртемир ака уйга кириб бир зумда чиқдилар ва хайрлашаётиб меҳмоннинг чўнтагига бир нарса солиб қўйдилар. Меҳмон буни сезиб эътироз билдирди, бу эътирози самара бермагач, ҳижолатдан бош эгганича ҳайр-маъзур қилди.

Меҳмонни кузатгач, Миртемир ака:

— Отанг тенги кишига ўра қазитгани уялмадингми? Ер ёрилмади, ерга кирмадим, — деб ўғли Мирзони бироз койидилар. Мирзо отасининг танбеҳидан хижолат бўлар экан, каловланиб: «Чиқинди сувларни ер остига сингиб кета оладиган қилиб ўра қазиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермас экан. Бозордаги мардикорларнинг ҳаммаси шу кишини тавсия қилганликлари, чунки бундай ишларни у киши қилиб юрганлиги» ҳақида эшитганларини сўзлаб берди.

Бу ҳодисани кузатар эканман, Миртемир аканинг ўта одамийлик хислатлари, кичик феъл, содда ва покиза, серандиша бир инсон эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим ва тан бердим.

Ғаффор МЎМИНОВ.

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ шоири Миртемир сайлда.

Дилкаш суҳбатлар

УМР ЕТСА УМИДЛАР УШАЛАДИ

Мустақиллик шарофати туфайли миллий қадриятларимиз тикланиб, ҳар бир соҳада ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Шу жумладан, мактабларда адабиёт, тарих, одобнома фанларининг ўқитилишида ҳам янги дастур ва дарсликлар яратилиб, ўқувчиларга Ватан адабиёти, тарихи, миллий урф-одатларимизга муҳаббат руҳида таълим-тарбия берилмоқда. Адабиёт дарсликларига истеъдодли ёзувчилардан Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Ҳошимов, Муҳаммад Али, Шукур Холмирзаев, Тоҳир Малик каби ўнлаб янги номларнинг киритилиши таҳсинга лойиқдир. Эндиги вазифа, ана шулар ижодининг олмос қирралари билан ўқувчиларни яқиндан таништиришдан иборат. Бизнинг таниқли ёзувчи Тоҳир Малик билан қилган суҳбатимиз адибнинг болалик ва ўсмирлик йилларини хотирлашдан бошланди.

— Хабарингиз бор, мен Мирзакалон Исмоилийнинг жиянлари бўламан. Урушдан кейин тоғам оиласи билан Берлингга бориб хизмат қилган вақтларида, оиламиз уларнинг уйида яшаган. Мен ана ўшанда, 1946 йили Тошкентда туғилганман. Ёзувчининг уйида дунёга келганим боис, ёзувчи бўлганман шекилли. Раҳматли ота-онамнинг гапларига қараганда, ёшлигимда хотирам кучли бўлган экан. Акаларим, опаларим дарс тайёрлаганда, шеър ёдлашганида, улардан олдин шеърни эшитиб ёдлаб олиб, хонтахтанинг устига чиқиб олиб айтиб берар эканман.

Мактабда олти ёшдан бошлаб ўқиганман. Бу пайтда, айниқса, китоб ўқишни яхши кўрар эдим. 1953 йилда катта акам совға қилган китоб ҳамон ўзимда сақланади. Унинг номи «Мард йигит» эртаклар тўпламидир. Шу қизиқиш билан ўқувчилар саройида адабиёт тўгарагига бордим. Ўша пайтда тўгаракни Қуддус Муҳаммадий бошқарар эдилар. Бу ерга қатнаб, ёзишни ўрганганман. Қуддус акадан кейин раҳматли Қудрат Ҳикмат анча пайт тўгаракни бошқардилар. Адабиётга меҳримни ана шулар уйғотишган, кучайтиришган.

— Сиз ажойиб адабий муҳитда камол топган экансиз. Ҳозир мени бир нарса жуда қизиқтиради. Балки, кўрмагандирман ёки ўқимагандирман, шеър ҳам ёзганмисиз?

— Кўпинча ўзим ҳам ҳайрон бўламан. Нимага ҳеч шеър ёзмаганман? Ўсмирлик, йигитлик чоғларда, қизларни яхши кўрганда шеър ёзилади, дейишади. Мен ҳам яхши кўрган бўлсам керак, лекин шеър ёзмаганман. Ёлғон бўлмасин, 1958 йилда бир топишмоқ ёзганман. Шунда ер сунъий йўлдоши учирилган кезлар эди. Топишмоқни Қуддус ака қайта ишлаб берганлар:

Ўзи шардек юмалоқ,
Тинмай учар ўмбалоқ.
Етолмас унга чақмоқ,
Бу нима топчи, ўртоқ?

Шеърият борасидаги менинг бор-йўқ ижодим ана шу. Лекин, бу топишмоқни Қуддус аканики, десам ҳам бўлаверади. Биринчи ҳикоям эса 1960 йили «Гулхан» журналида босилиб чиққан.

— Тоҳир ака, сизнинг шундай асарларингиз борки, улар китобхон томонидан худди шеърдай ўқилади. Шундай асарлардан бири «Фалак» номли қиссангиз 7-синф адабиёт дастуридан ўрин олган. Мактабда шу қиссадан парча ўқитилади. Қиссани яратишда қандай тарихий манбалардан фойдалангансиз?

— «Фалак» фантастик қисса бўлиб, 1974 йилда ёзилган. Қиссанинг ёзилишига туртки бўлган нарса ҳар бир ўзбекнинг хонадонида, айниқса, келинчакларнинг уйида ёзиладиган фалак бўлган. Тошкентда буни «палак» деймиз. Аслида бу — осмоннинг тасвири туширилган, осмон—фалак маъносида. Осмон тасвири туширилганда ҳам, ҳозирги замонавий фан тили билан айтганда, гелеоцентрик, яъни дунёнинг маркази қуёш, унинг атрофида бошқа сайёралар айланади, деган назарияга асосланган. Менинг хаёлимга шу нарса келиб, уни Улуғбек даври билан боғламоқчи бўлдим.

Ўша даврларда илм-фан қисман ривож топган, илм-фан билан фақатгина эркаклар шуғулланган, деган фикр жуда нотўғри. Аёлларимиз ҳам бу соҳада яхши фаолият кўрсатишган. Бунга мисол қилиб Зебуннисо ҳаёти ва ижодини олиш мумкин. Зебуннисо Қуръонни тўлиқ ёд олган аёлдир. Бу ноёб ҳодиса. Демак, ўзбек аёллари илмни ҳам яхши билишган. Улар илмни яхши билмаганларида бу санъат асарини яратишмаган бўларди. Фалак фақат санъат асари эмас, бу илмга оид асардир. Ана шу масалани аёлий фантастика тарзида беришга ҳаракат қилдим.

Умуман, фантастикани бизда кўпчилик нотўғри тушунади. Фантастика гўёки космос, бошқа сайёралар ҳақидаги жанр деган фикр бор. Мен бу фикрни ўзгартиришга ҳаракат қилиб, фантастикани фанга хизмат қиладиган йўналишга бурмоқчи бўлдим. Назаримда, ёмон чиқмади шекилли.

Бунинг учун энг аввало Улуғбек ҳаёти ҳақидаги асарларини мутолаа қилдим. Шунингдек, Ал-Розийнинг «Сирлар сири» номли алхимиклар деймизми, кимёгарларга қўлланма асарини қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Олим бу китобни бухоролик шогирдига атаб ёзган экан. Шамсибек сиймосини яратишда шу асардан фойдаландим. Чунки у ҳам кимёгар. Зеро, у ҳам мисни олтинга, сочни кумушга айлантириш сирларини билган одамлардан бири бўлган.

Хуллас, қиссани яратишда, жуда кўп манбаларни кўриб чиқишга тўғри келди. Ўшанда қиссани яна давом эттириш орзуим бўлган. Чунки, қисса Шамсибек ва аёлининг фожиавий ўлими билан тугайди. Лекин бу аёлнинг тўлиқ ҳаёти қиссада ҳали яхши акс этмаган эди. Насиб этса бу ишни давом эттираман. Назаримда «Фалак»ни қайта кўриб чиқиш вақти етди.

— Маълумки, адабиётимизда ўқитувчилар сиймоси акс этган йирик асарлар деярли йўқ. Муҳтарам адибларимиз бу борада устоз, мураббийлар олдида бурчли ва қарздор эканликларини таъкидламоқчиман. Шунинг учун келажакда бу машаққатли ва шарафли касб эгалари ҳақида сиздан тўлақонли асар кутиб қоламиз деган ният билан, навбатдаги саволга ўтсак. Мактабдаги ҳозирги таълим-тарбияни қандай йўсинда олиб борган маъқул? Кўпроқ нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Таълим-тарбияда ахлоқ-одобга эътиборни қаратиш керак. Чунки, ҳамма нарсанинг бошида ахлоқ-одоб туради. Мана «Одобнома» дарси мактабда ҳафтада бир соат-а? Энди айтингчи, бир неча йиллар давомида тарбиялаш қийин бўлган болаларни, бир ҳафтадаги бир соат дарсда тарбиялаб бўладими? Мана шу масалани кун тартибига қўйиш керак.

Мактабда физика ўқитувчиси бўладими, математика ўқитувчиси бўладими, ҳар бир дарс ўқувчиларга ахлоқ-одоб масалаларини сингдиришдан бошланиши керак. Майли, у 5—10 дақиқа давом этсин. Чунки, боланинг қулоғига доим ахлоқ-одобни қўйиб турмаса, бир ҳафтанинг ичида эсидан чиқиб кетади.

— Келгуси ижодий режаларингиз қандай?

— Айнан шу кунга нисбатан айтадиган бўлсак, мен ҳозир Мўмин Мирзонинг фожиали ҳаёти ҳақида саҳна асарини ёзиб тугатдим. Номи «Фитна» деб аталади. Асарда Мўмин Мирзонинг фожиаси мисолида ноаҳиллик, умуман мамлакатнинг емирилиб кетишига нима сабаб бўлади, деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдим.

Ҳозир «Шайтанат»нинг иккинчи қисми устида шитоб билан ишлаяпман. Буни топширганимдан кейин, болалар учун «Алвидо, болалик»нинг давомига ўхшаган бир нарсани ўйлаб қўйганман.

Биласиз, одам боласи доимо умид билан яшайди. Қувват берса, умр етса, ҳамма умидлар секин-аста ушалаверади.

Суҳбатдош
Баҳодир Ҳабиб ВАЛИЙ.

Маданият хабарлари

СЕНИ ВАТАН КУТАДИ, ЙИГИТ!

Шаҳримиздаги Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ижодий жамоалар томонидан тайёрланган «Сени Ватан кутади, йигит» деб номланган адабий мусиқали дастур ҳарбий қисмларда намойиш этилиб, аскарларнинг олқишига сазовор бўлди. Айниқса маданият уйидаги «Яхши ният» вокал-чолғу дастасининг ёшларга мос куй ва қўшиқлари, «Дурдона» ашула ва рақс дастаси ижро этган мафтункор рақслар, Салтанатхон Сиддиқова раҳбарлигидаги «Ҳуррият» фольклор-этнографик ансамбли талқинидаги қадимги наволар дастурни янада файзли чиқишига омил бўлди. Ижодий жамоанинг Раҳимахон Орифжонова, Бахтиёр Зокиров, Акбаржон Алимов, Адҳамжон Каримов, Нодира Абдуллаева каби аъзолари ижро этган дилга яқин қўшиғу куйлар барчага бирдек манзур бўлди.

ОЛОВ ҲАЛҚАСИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек тумани маданият уйи ижодий жамоаси Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб кўплаб қизиқарли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Куни кеча маданият уйида бўлиб ўтган «Олов ҳалқаси қаҳрамонлари» деб номланган театрлаштирилган томоша ҳам кўплаб мухлислар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Владимир Дементьев, Любовь Войнова, Елена Киреева тайёрлаган мазкур тадбирда ҳамюртларимиз кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек маданият уйи бадиий ҳаваскорлари саҳнага олиб чиққан уруш йиллари қўшиқлари, турли театрлаштирилган саҳна томошалари ҳам кечага файз бағишлади.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Олий ўқув юртларида

ТАЛАБАЛАР ҲАЁТГА ЯҚИНЛАШЯПТИ

Институтимизда ишлашнинг янги усулларини қидириб топиш ва уларни ҳаётга жорий этиш бўйича талайгина амалий чоралар кўрилмоқда. Ҳар бир талабанинг истак ва хоҳишлари ҳисобга олинаяпти. Республикамиз олий ўқув юртлари орасида илмий даражали олимлар бўйича энг нуфузли бўлган бу илм даргоҳида кўплаб тажрибали олимлар ва муаллимлар таълим-тарбия бермоқда. Германия, Америка, Жазоир, Чехия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида ишлаб ёки тажриба орттириб келган ҳамкасбларимиз талабаларга пухта ва ҳозирги замон фан-техника ютуқлари қамраб олинган маърузалар ўқишмоқда. Туркия, Саудия Арабистони, Хитой каби давлатлардаги ўқув юртлари тажрибаларини ўрганиб келган ходимлар ҳам бу борада кенг қўламда иш олиб боришаяпти.

Ҳозир биринчи ва иккинчи курс талабалари уч семестрли ўқув тизимида билим олмоқдалар. Бунда тестлаш ва рейтинг усули кутилган натижаларни бераяпти. Чет тиллар, айниқса инглиз тилини чуқур ўрганиш бўйича чуқур билим олишга ўтказилмоқда. Институт ўқитувчилари талабалар учун «Инглизча-ўзбекча кимё луғати», «Немис тилини чуқур ўрганиш бўйича услубий қўлланма» яратишди. Келаси ўқув йилидан озиқ-овқат курслари бўйича инглиз тилида ўқитиладиган гуруҳлар ташкил қилиш мақсадида амалий ишлар бошлаб юборилди. Бундай гуруҳлар амалиётини хорижий мамлакатлардаги корхоналарда ўқитилиши мўлжалланмоқда.

Талабалар ҳаётини янада яхшилаш, ўқиш тизимини ҳаётга яқинлаштириш, таълим-тарбиявий ишларни юқорироқ погоналарга кўтариш ҳамда маърифий ишлар савиясини кўтариш учун бошланган чора-тадбирлар таҳсинга лойиқдир. Бу борада ректорат ходимлари, ўқув-услубий бўлими ва деканатлар вакиллари ҳар бир курс, гуруҳ, қолаверса, ҳар бир талаба билан учрашиб, уларнинг фикрларини билиш, турли масалаларда ёрдам бериш, турмуш шароитини яхшилаш ниятида суҳбатлар ўтказдилар. Бунда очиқ мулоқотлар уюштирилди, йигит-қизлар ўз кўнглидаги бор гапни айтишларига имкон яратилди. Натижада кўпгина зарур масалалар амалий ҳал қилиниб, чора-тадбирлар кўрила бошлади. Институтнинг Лутфий кўчасида жойлашган ётоқхона таъмири тезлаштирилди, кафедрада тайёрланган услубий кўрсатма ва қўлланмалар давлат тилида нашр қилишга топширилди.

Институтда аълочи талабалар учун махсус жамғарма ташкил қилинди. Курсларда уюштирилган учрашувлар чоғида институт ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Н. Парпиев аълочиларга бир ойлик стипендия миқдорида мукофот топширди. Спорт мажмуалари ва маданий марказларда бўлиб туриш учун ҳам маблағлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Қўлланилаётган чора-тадбир фойдали бўлаётганлигини талабалар қайд этишмоқда. Улар институтда ишлайдиган барча профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва докторантлар билан танишиб олдилар. Эндиликда мулоқотлар ва учрашувлар ўтказиш учун йўл очилди. Учрашувларда иштирок этган машҳур олимларимиздан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Беруний мукофоти совриндори К. Аҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, профессор А. Абдураҳимов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор Ҳ. Рустамов ва бошқалар ёшларга иккинчи жаҳон уруши фронтларида кўрган-кечирганларини гапириб беришди.

Келгусида талабаларни илмий ишларга кўпроқ жалб қилиш, олимпиадаларда қатнашиш ва корхоналарга тез-тез бориб туришларини таъминлаш, кафедралар, бўлимларни заводлар ва илмий-тадқиқот институтларида қайтадан ташкил этиш режалари ҳам тузилди. Институт проректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, профессор Ф. Исматуллаев донни қайта ишлаш корхоналарида бўлиб, шу соҳада билим олаётган талабаларимиз учун янги лаборатория ва кабинетларни мазкур корхоналарда ташкил этиш бўйича саъй-ҳаракат қилгани учун ўқиш сифати янада яхшиланди. Корхона билан институт жамоаси ўртасида ҳамкорлик пайдо бўлди. Эндиликда дарслар ишлаб чиқариш билан боғлаб ўтилаяпти. Корхоналар кўрсатаётган ёрдам туфайли талабалар Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларга саёҳат уюштиришди. Мана шундай сафарлар даврида йигит-қизларимиз ўз соҳаларидаги меҳнат жамоаларида ҳам бўлишиб, технологик жараёнлар билан танишиб қайтмоқдалар.

Бу ишларнинг бошида турган институтимиз ректори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Парпиевга савол билан мурожаат қиламиз:

— Нусрат Аъзамович. Сиз бир йўла Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлим раҳбари ҳамсиз. Икки йўналишдаги йирик ишни қўшиб олиб бориш қийин бўлмаяптими?

— Аксинча, мен ўз илмий ва педагогик фаолиятимда олий ўқув юртлари олимлари билан академиямиз илмий ходимлари орасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, талабаларни академиямиздаги ишларга тортишни ўйлаб иш кўраяпман.

Қудрат АХМЕРОВ,
Тошкент кимё-технология институти анорганик кимё кафедраси мудири, профессор.

Аср садоси

БОЛАЛАР МУАММОСИ ДУНЁ НАЗАРИДА

Шу йилнинг март ойида Копенгаген шаҳрида олий даражадаги Бутунжаҳон учрашуви бўлиб ўтади. Дунё болаларини ижтимоий ҳимоя қилувчи халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ташаббуси билан ўтказиладиган бу учрашувда болаларнинг бугунги кундаги аҳволи масаласи кун тартибига чиқади. Унда муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг асосийси —дунё болаларининг муҳтожлиги ва ижтимоий ҳуқуқларини қайта кўриб чиқишдан иборат.

Ушбу муаммоларни ҳал этишга мажбур қилган омил айрим сиёсий уюшмалар, ташкилотларнинг бундан манфаатдорлиги эмас, балки болалик инсоннинг руҳий ва жисмоний шаклланиш даври эканини, бу пайтда ҳар қандай салбий кўриниш уни бир умрга бахтсиз қилишининг тан олинганидир. Зеро бундай давр одамга ҳаётда бир марта берилади. Ана шу ягона имкониятни ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш жамиятнинг ажралмас бурчидир. Бир сўз билан айтганда болаларнинг жисмоний, ақлий ва ҳиссий ривожланишига эришиш, уларни ҳимоя қилиш учун барча чора-тадбирларни кўрмас экан, жаҳон афкор оммаси ўзининг муаммоларини еча олмайди.

Олий даражадаги аввалги, яъни 1990 йилги учрашувдан сўнг шу нарса аён бўлдики, жаҳонда тўпланган тажриба асосида барча болаларни мақсадда кўзланганидек парваришлаш мумкин бўлиб, шунингдек бу ишларга у қадар катта сарф-харажатнинг ҳам ҳожати йўқ экан. Шунинг учун болалар орасида тўйиб овқат емаслик турли касалликлар, саводсизлик кабиларни камайтириш бу борадаги барча масалаларни ҳал этишнинг пойдеворидир.

1990 йилги учрашув аввало болалар ўлимини учдан бир миқдори даражасида камайтириш, тўйиб овқат емаслики ярмига қисқартириш, болаларда учрайдиган асосий хасталиклар устидан назорат қилиш, полиомиелит дарди барҳам бериш, оналар ўлимини 50 фоизга камайтириш, ҳеч бўлмаганда 80 фоиз болаларнинг бошлангич мактаб таълимини олишига имконият яратиш, шунингдек аҳолини тоза сув билан таъминлаш кабиларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Хўш, ўтган 4 йил давомида қандай амалий натижаларга эришилди?

Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг директори Жеймс Грант тайёрлаган «Дунё болаларининг аҳволи, 1995 йил» номли маърузасида баён этилишича, аҳолисининг 90 фоизини болалар ташкил этадиган 100 дан ортиқ давлатда салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан тўйиб овқат емаслик кўрсаткичи пасайди, эмлаш миқёси сақланиб қолди ёки юксалди, қизамиқдан вафот этиш даражаси 80 фоизга камайди. Ғарбий яримшар ҳудудида полиомиелит хасталиги тўлалигича барҳам топди. «А» дармондориси истеъмолининг етишмаслик даражаси қисқарди, ришта касаллиги билан оғриш тахминан 90 фоизга камайди. Минглаб йирик касалхоналарда бугунги кунда гўдаклар кўкрак сути билан боқилмоқда, бошлангич таълим бериш йўлида янгича ҳаракатлар бўлмоқда.

Эришилган муваффақиятлар шундай башорат қиладики, 1996 йили 1990 йилга нисбатан болалар ўлими 2,5 миллионтага камаяди. Демак, ўнлаб миллион болалар тўйиб овқат емаслик ташвишидан қутуладилар. Ҳар йили 750 минг бола ақли заифлик, кўрлик ва ногиронлик чангалидан халос бўладилар. Хўш, бундай муваффақиятлар қандай ҳал этилади? Ривожланаётган мамлакатларда 5 ёшгача бўлган болаларнинг тўртдан уч қисми оқсил моддаси етишмаслиги оқибатида ҳаётдан кўз юмар эди. ЮНИСЕФ ёрдамида олиб борилган тадқиқотлар хулосаларига кўра озиқ-овқат етишмаслиги даражасини камайтириш учун катта маблағ талаб қилмайдиган йўл мавжуд экан.

Ҳозирда дунёдаги 16 миллион киши кренитизм ҳамда танада йод моддасининг етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган ақлий заифликдан азият чекмоқда. Бу муаммо истеъмол қилинадиган туз таркибини йод моддаси билан бойитиш йўли билан ечилаётир. Кўпчилик мамлакатларда бу борада катта тадбирлар бошлаб юборилди, хусусан 58 мамлакатда мазкур масала ижобий якун топиши аниқ. Ҳар йили озиқ-овқат маҳсулотларида «А» дармондорисининг етишмаслиги оқибатида 500 минг бола кўриш қобилиятини йўқотади. Бу муаммони ечишга болалар овқати таркибида табиат неъматларини кўпайтириш билан ёндошилади. Қолаверса 6 ойгача бўлган чақалоқларга йилда уч марта «А» дармондорили капсула берилиши кўзда тутилган.

1990 йили дунёда 1 миллиондан зиёд чақалоқ бир ёшга етмай ҳаётдан кўз юмди. Аммо улар тирик қолиши мумкин эди. Агар дастлабки 6 ой давомида кўкрак сути билан озиқланганларида. Шунга кўра асримизнинг охирги ўн йилининг ярмига келиб барча мамлакатларда кўкрак сути ўрнини босувчи озуқаларнинг бепул ёки арзон нархда тарқатилишига барҳам берилади. Шунингдек, ЮНИСЕФ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган «Кўкрак сути билан боқиш йўлида ўн қадам» номли концепцияга тез кунларда деярли барча мамлакатлар амал қила бошлайди. Таиландда бўлиб ўтган 1990 йилги болаларга таълим бериш масаласига бағишланган конференциядан сўнг барча мамлакатларда таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратила бошланган, ҳатто жаҳон банки бу тадбирларга ажратадиган қарзларни кўпайтирган эди. Ҳисоб-китобларга қараганда 2000 йилгача болаларнинг камида 80 фоизи бошлангич таълим олишга эришади. Бундан ташқари бугунги кунда болалар ҳаётига хавф солаётган полиомиелит, қизамиқ, диарея, пневмония, драккункулез каби ажал элчилари асримиз охирига келиб камайиши кутилмоқда.

Йигирма биринчи аср, тўғрироғи, 2000 йилгача ЮНИСЕФ ўзининг 10 та банддан иборат мақсадларига эришмоқчи. Булар болалар ўлимини 1990 йилги кўрсаткичларга нисбатан 25 фоизга камайтириш, оналар ўлимини 1990 йилгига нисбатан тенг ярмигача қисқартириш, худди шу миқдорда беш ёшгача бўлган болалар ўртасида тўйиб овқат емасликка барҳам бериш, бир ёшгача бўлган болаларнинг 90 фоизида эмлаш ишларини ўтказиш, диарея хасталигидан ҳалок бўлиш ҳолларини 50 фоизга қисқартиришдан иборат. Шунингдек мазкур концепцияда дунё болаларининг 90 фоизига бошлангич таълим бериш, аҳолини тоза сув билан таъминлаш, туғилишни режалаштириш борасидаги ташкилий ишларни йўлга қўйиш ҳам кўрсатиб ўтилган.

ЮНИСЕФ ахборотномаси асосида
Малик РАИМОВ тайёрлаган.

Профессор қабулида

КЎЗЛАРИМГА НУР БЕРДИНГ, БОЛАМ

«Ҳурматли таҳририят! Биз оиламиз билан Юнусободнинг 17-мавзесида истиқомат қиламиз. Отам — Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхонасида оддий ишчи, ойим боғчада фаррош бўлиб ишлайдилар. Мен уларнинг тилаб-тилаб олган ёлгиз қизиман. Бунинг устига кўзим ожиз. Нима қилай, толеим шунақа экан. Ёруғ жаҳонни кўришдан бенасиб туғилган эканман.

Ота-онам сарсон-саргардон кезиб қўлимдан етаклаб қанчадан-қанча шифокору табиблар, эмчию ромчилар эшигига бош суқишмади дейсиз. Лекин уларнинг муолажалари, дори-ю дармонлари сира кор қилмасди. Бир куни дадам эшикдан кира туриб ойимга: «Хотин, қизимизни эртага республика кўз касалликлари шифохонасига олиб борамиз. У ерда Холидбек Комилов деган бир профессор ишларкан. Жудаям қўли енгил шифокор дейишади. Бир нечта туғма кўрларнинг кўзини очган экан», деб қолдилар. Бу гапдан онажоним бир қувонадилар-бир қувонадилар.

Кечаси билан улар ухлашмади. Эртасига саҳар туриб профессор ишлайдиган шифохонага йўл олдик.

Сўраб-суриштириб қабулхонага кириб бордик.

— Домла, дарсдалар, ўтириб турингглар, ҳозир чиқиб қоладилар, — аёл кишининг ўктам овози эшитилди. Кейин:

— Ана ўзлари ҳам келиб қолдилар, — дея қўшиб қўйди.

Ҳамма жимиб қолди.

— Хизмат, — юмшоққина сўради биров.

— Ҳа, энди... — чайналди отам, — олдингизга бир илтимос билан келувдик-да.

— Марҳамат.

— Қизимизни бир кўриб қўярмиксиз девдик. Туғилибдики иккала кўзи...

— Албатта кўрамиз, — кейин кимгадир, — қани, Марямхон, дарҳол касални муолажага тайёрланг, — деди.

Биров қўлимдан тутди. Етаклаб курсига ўтказди. Сўраб-суриштириб ручкасини китирлатиб алланарсаларни ёзди. Кейин оҳиста оёқ товуши эшитилди. Профессор бўлса керак яқинимга келиб тўхтади.

— Отинг нима, яхши қиз?

— Наргиза.

— Неча ёшдасан?

— Ўн иккида.

— Ўқийсанми?

— Махсус мактабда.

— Кўзинг очилишини жуда-жуда истайсанми?

Жавоб ўрнига йиғладим. Ота-онам менга қўшилишди.

— Ия, ана холос, — деди профессор.

Кейин бизга тасалли бергандек бўлди. Қанақадир аппаратлар ишга тушди. Кўзимни синчковлик билан кўришди. Ниҳоят профессорнинг овози эшитилди.

— Биз Наргизахоннинг кўзларини очишга ҳаракат қиламиз. Қизалоқни шу бугун шифохонага ётқизамиз.

Операцияга тайёргарлик билан ўтган бир ҳафта давомида Холидбек ака ҳар куни келиб ҳолимдан хабар олиб турдилар. Қадрдонлардек суҳбатлашиб кўнглимни кўтардилар. Шифоловчи врачлардан алланималарни сўраб-суриштирадилар. Уларга керакли кўрсатмаларни берадилар.

— Наргизахон, эртага сизни операция қиламиз.

Бу мен узоқ ва интиқлик билан кутган сўз эди. Кечалари кўкка илтижо қилиб шу сўз қулоқларим остида қачон жаранглашини кутиб ётардим.

Кечаси билан бетоқат бўлиб чиқдим. Тонгга яқин туш кўрибман. Баланд тоғларда, қорлар қўйнида юрганмишман. Ҳаммаёқ оппоқмиш.

Операциядан сўнг тўрт-бўш кун кўзим боғлоқлик турди. Кейин ўрнимдан турғизишди. Етаклаб бир хонага олиб киришди. Холидбек ака ўша ерда мени кутиб турган эканлар. Овозларидан танидим.

— Наргизахон қизим, ҳозир кўзингни ечамиз. Юрагим ўйнаб кетди.

— Ўзингни босиб, кўзингни юмиб тур.

Кейин боғлоғичларни ечиб ташлашди.

— Энди кўзингни аста очиб менга қара.

Қўрқа-писа кўзимни салгина очдим. Дастлаб ҳаммаёқ хира тутун, кейин бироз ўтиб оқаринқираган нарса кўринди.

— Нимани кўряпсан?

— Оппоқ нарсани.

— Яхшилаб қара.

— Энди сизни кўряпман.

Кейин бақириб юбордимми ёки менга шундай туюлдими, ҳарқалай қулоқларим остида «Кўряпман, кўряпман» деган акс садо анчагача жаранглаб турди...»

Бошдан-оёқ яхшилик ва олам қувончини ўзида акс эттирган ушбу мактуб бизни ҳам ҳаяжонга солди. Наргизахон ва унинг ота-оналари билан учрашдик. Оиланинг миннатдорчилигининг чеки йўқ эди. Шу баҳона профессор Холидбек Комилов ишлаётган республика кўз касалликлари шифохонасига йўл олдик...

Қабулхона эшигини очишимиз билан рўпарамизда ўрта бўйли, 40-45 ёшлар чамасидаги бир киши пайдо бўлди.

— Келинглар хизмат.

Устига қордек оппоқ халат кийиб олган бу одам бўй-басти, юз кўриниши билан худди профессор Маҳаммаджон Комиловни (Холидбек шу кишининг ўғиллари экан) эслатиб турарди.

— Бизга... Холидбек...

— Менман, эшитаман сизларни.

Шу ерда гапимиз узилди.

— Холидбек Маҳаммаджонович, — деди ассистентлардан бири профессорга узр оҳангда. — Ҳузурингизга бир беморни олиб келишган экан.

— Чақиринг, кейин профессор бизга юзланди. — Кечирасизлар, бир дақиқага.

Хонага уч киши киришди. Улардан бири қизариб қонталаш бўлган чап кўзини қўли билан беркитиб олган.

— Нима бўлди?

— Тўрт кундан бери азоб чекаман. Бир нарса тиқилади. Поликлиникага бордим. Бошқа таниш-билиш кўз дўхтурларига учрашдик. Ҳаммалари: «Шамоллабсиз, кўзда яллиғланиш бор», деган сўздан нари ўтишмаяпти. Нажот истаб сизнинг олдингизга келдим.

— Қани, бу ерга ўтирингчи.

Профессор шифоталаб кўзни синчков кузатди. Кейин махсус қурилмаларни ишга солди. Бирдан: — Эй, қойилей, — деб юборди. Кўзингизга кичкинагина зирапчасимон чўп тушибди. Ҳаммаси ўшанинг асорати. Ҳозир олиб ташлаймиз.

Бу сўздан бемор ҳам у билан келган ҳамроҳлари ҳам енгил тортишди. Холидбек бироз бемор атрофида куймаланиб юрди-да, кейин кулиб унга юзланди.

— Бўлди укажон, ўрнингиздан турaверинг. Касалдан фориғ бўлдингиз.

Бемор кўзини бир зум ишқалаб турдида, кейин очди.

— Қалай, энди ҳеч нарса ботмаяптими?

— Йўқ. Раҳмат сизга, профессор.

Келганлар қайта-қайта миннатдорчилик билдиришди.

— Бу менинг бурчим, сизларни хурсанд қила олган бўлсам, шунинг ўзи менга етарли, — деди уларга қарата Холидбек Комилов.

...Машҳур шифокор, республика кўз касалликлари шифохонасининг профессори Маҳаммаджон Комилов ҳамиша ён-атрофида гирдикапалак бўлиб юрувчи ўғли Холидбекнинг ота касбига ихлоси баландлигидан ўзича хурсанд бўлиб юрарди-ю лекин ўғли ўрта мактабни тугатиб қатъийлик билан шу соҳани танлашини хаёлига келтирмасди. Холидбекнинг мақсадини билиб ота бир зум ўйланиб қолди. Наҳотки фарзанди ҳам шу оғир касбни танласа. Ахир бу игна билан қудуқ кавлашдан ҳам оғир-ку. Тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш оғирлик қилмасмикан? Ёки бу ёшликдаги бир ҳавасмикан?

— Ўғлим, танлаган касбинг нақадар масъулиятлилигини биласанми?

Комилов ўғлига синчков тикилди.

— Билганим учун ҳам шу йўлни танладимда, дадажон. Сизни ишонтириб айтаманки номингизга, умуман Комиловлар сулоласига доғ туширимайман.

Ота фарзандига оқ йўл тилади:

— Барака топ, болам. Ниятингга ет. Мартабанг улуғ бўлсин.

Ўша кундан бошлаб бола отага янада қаттиқроқ боғланди. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширгач ўзаро ҳамкорлик янада кучайди. Ота ўғлининг кўзини пишитиш мақсадида унинг раъйини қайтармай ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрди. Операцияларда яқин ёрдамчи сифатида қатнашди. Бемор муолажаси устида узоқ ишлашни ўргатди. Ўғлининг интилишидан хурсанд бўлган ота унинг ақли етмай қолган ишларни эринмай майда-чуйдасигача тушунтирди. У доимо ўғлига беморлар билан хушмуомала бўлишни, улар қалбига яқин йўл топа билишни уқдирарди...

Суҳбатимиз авжи қизиган пайтда яна бўлинди. Қабулхонада навбатдаги бемор профессорни кутмоқда эди.

— Келинг опа, — деди Холидбек аёлга юзланиб.

— Чап кўзим хиралашиб қолди. Шунга...

— Қани Марямхон, опага ёрдамлашиб юборингчи, — илтимос оҳангида ассистентларига мурожаат қилди у. Марямхон бемор аёлни махсус қурилма столига ўтказди. Кейин дарҳол ўтирғични кўз кўриш дурбинига мос қилиб юқорига кўтарди. Профессор дурбиндан аёлнинг хиралашган кўзини синчковлик билан кузатди. Кейин жойини ассистентларга бўшатди. Улар ҳам навбатма-навбат кузатувни давом эттиришди.

— Хўш, қандай ташхис қўямиз?

Профессорнинг бу сўзига ҳамма ўз фикрини айтди.

— Кўз қорачиғига парда тушган. Ҳозир операция қилиб бўлмайди. Демак бирдан бир йўли пардaнинг катталашувига имкон бермаслик.

Беморга бир зумда керакли дори-дармонлар ёзиб берилди. Шу чоғ хонага касалхона кийимида бир нуроний отахон кириб келди. У Холидбекнинг ёнига борди-да, аста бўйнидан қучди.

— Тарбия берган ота-онангга раҳмат, болам. Сендек камсуқум, камтарин, дилкаш профессорни вояга етказганига шукр. Умрингдан барака топ. Кўзларимга нур бердинг, болам, олтин қўлларинг ҳеч қачон дард кўрмасин.

Шу куни Холидбек Комилов муолажа учун ажратилган икки соатлик вақти давомида ўнга яқин беморни кўздан кечирди. Одамлар билан суҳбатлашди. Шогирдларга керакли маслаҳатларни берди. Кейин биз билан суҳбатга якун ясаб хайрлашди. Энди уни операция хонасида кутишмоқда эди.

Касалхона ҳовлисидан борар эканмиз Холидбек Комиловнинг охирги сўзлари қулоғимиз остида янграгандек бўлди.

— Ҳар куни шу ҳовлидан, шу йўлакдан ўтаман. Бу ерга кимларнинг қадами тегмаган дейсиз. Не-не улуғ зотлар юрмаган бу йўлдан. Шу ҳовлидан ўтган шифокордан беморлар дардига малҳам бўлиш истагида юришган бўлса, беморлар эса шифо топганларидан хурсанд бўлиб уйларига қайтишди. Мен ҳам ўша яхши ниятли шифокорларнинг биримаи. Ҳар куни ҳовлига қадамим тегиши билан беморларга кўпроқ ёрдамим тегишини ўйлайман.

Келинг, бир яхши ният қилайлик. Дунёда ҳеч кимни кўриш бахтидан жудо қилмасин. Лекин ҳаёт, ҳаёт-да. Баъзан унда туғма, баъзан эса бахтсиз тасодифлар туфайли кўзи ожизлар учраб турар экан, айтинг-айтинг улар дардига малҳам бўладиган Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Холидбек Комилов сингари инсонлар ҳамиша бор бўлишсин.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ўйнаб-ўйнаб чарчадим, бир қоринни тўқлаб олай...

◆ 29 январь кундузи номаълум кимса Стаханов чилар кўчасида жойлашган хонадонларнинг бирига кириб уйдан телевизор, радиоприёмник ва яна 4 хил қўлга илингулик буюмларни олиб имижимида жуфтакни ростлаган. Милиция ҳудуд нозирининг жиноятчилар изига ўз вақтида тушиб керакли чора-тадбирларни амалга ошириши натижасида илгари иккови судланган йигитча ва қиз қўлга олинди. Улар ўғирлаган нарсалар олиниб эгасига қайтарилди.

◆ Тунда номаълум кимса Юнусобод даҳаси, 8-мавзедаги уйлардан бирининг ёнида турган «ВАЗ — 2106» русумли машинани олиб қочгани тўғрисида ички ишлар идораларига хабар қилишди. Тартиб посбонларининг сайъ-ҳаракатлари билан тез орада машина ўғриси — ҳеч қаерда ишламайдиган Тошкент вилояти фуқароси ушланди. Машина олиб қўйилди.

◆ Тошкент шаҳар ИИББ берилган хабарда айтилишича, турар жойи ва иш манзилининг тайини бўлмаган кимса, Паркент қишлоғида истиқомат қилувчи фуқарони тан жароҳати етказиш йўли билан қўрқитиб, 10000 сўм миқдорида пул беришини талаб қилган. Пул «Бўз» бозорида топширилаётганида зўравон ушланди. Ҳозир тергов ишлари кетмоқда.

◆ Соат 01 да Ўзгариш шаҳарчаси қаршисидаги Янги Сергели кўчасида учта ёш йигит 2-такси саройига тегишли «ГАЗ — 24» русумли автомашинани тўхтатиб, уни эгаллаб олиш мақсадида ҳайдовчини дўппослай бошлаганлар. Бироқ шу атрофдан ўтиб кетаётган Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходими томонидан улар ушланган. Ҳозир босқинчилар устидан дастлабки тергов ҳаракатлари кетмоқда.

◆ Тезкор-профилактик тадбирларни ўтказиш чоғида Қизил Арват кўчасида жойлашган уйларнинг бирида шахсини аниқлаш мақсадида Тошкент, Чимкент, Ўш шаҳарлари, Ставрополь ва Приморье ўлкаларининг фуқаролари бўлмиш 17 киши ушланган. Уйда тинтув ишларини олиб бориш чоғида чангютгич қутисидан товуш пасайтиргичли, ўқдонида 7 та ўқи бўлган «Марготолина» тўппончаси, картон қутидан эса яна 5,6 миллиметр калибрдаги 28 та ўқ чиққан. Баллистик экспертиза хулосаларига кўра тўппонча ва ўқлар жанговар ҳолда эканлиги аниқланди.

◆ 31 январь соат 13 дан 30 дақиқа ўтганида «Омад» дўконининг сотувчиси бўлмиш ёш жувон биргаликда ичилган спиртли ичимликлардан сўнг ўртада чиққан жанжал сабабли ҳамшишаси ҳисобланмиш амакисининг қорнига чуқур пичоқ жароҳати етказган. Жабрланувчи шу ернинг ўзида жон берган. Қотил ушланиб, пичоқ ашёвий далил сифатида олинди.

◆ 30 январь куни соат 23 да берилган хабарда айтилишича, ўз хонадонида кўкрак қафаси ва қорин қисмига қўплаб чуқур жароҳат етказилган аёл кишининг мурдаси топилган. Милиция ходимлари томонидан ўз вақтида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида аёлникида меҳмондорчиликда бўлиб «базми жамшид»дан сўнг орада чиққан низо туфайли унга ўлимига сабаб бўлган қўплаб жароҳатлар етказишган қозоғистонлик икки фуқаро ушланди. Ашёвий далиллар олинди.

◆ 1 февраль куни соат 10 да метронинг «Тошкент» бекатида жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан Қозоғистон Республикасидаги Оқсуй шакар заводининг ишчиси ёнидан 262,5 грамм миқдорида кучли таъсир этувчи марихуана гиёвандлик моддаси топилди ва олиб қўйилди.

◆ Соат 20 дан 30 дақиқа ўтганида номаълум кимсалар уй бекасининг хонадонига бостириб кириб тан жароҳати етказиш йўли ва пичоқ билан уни қўрқитиб 25000 сўм пулини тортиб олишган. Излар босилмасдан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида босқинчилар — Тошкент вилоятида истиқомат қилувчи Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтининг талабаси ҳамда ўрта мактаб ўқувчиси қўлга олинди.

◆ 2 февраль куни соат 16 дан 50 дақиқа ўтганида берилган хабарда айтилишича, Тўқимачилик институтининг 1 курс талабаси курсдош қизникида меҳмондалик чоғида уй эгасининг хонадан чиқиб кетганлигидан фойдаланиб унинг қўлга илингулик буюмларини ўғирлаган. Ўғри ушланди. Моллар эгасига қайтарилди.

◆ 3 февраль куни соат 13 да республика Ички ишлар Вазирлиги жиноят-қидирув бош бошқармаси ходимлари томонидан Юнусобод даҳаси, 8-мавзедаги 26-уй олдида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи кимса ёнидан 1 килограмм 20 грамм марихуана гиёвандлик моддаси чиққанлиги учун ушланди.

◆ Соат 17 да берилган хабарда айтилишича, тунда номаълум кимса «Иргидромаш» заводи электр цехидан трансформатор ва иккита электр двигателни ўғирлаган. Тошкент шаҳар ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида корхона қоровули ушланди. Ўғирланган ускуналар заводга қайтарилди.

◆ 4 февраль куни соат 11 да ёш жувон уйидан касалхонага чакка суяги синган ва бош мияси жароҳатланган ҳолда келтирилди. Ўзининг гапи бўйича у уйида йиқилиб тушиб жароҳатланган экан. Пойтахт ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари ушбу шубҳали ишнинг изига тушишди. Маълум бўлишича, 1 февраль куни соат 07 да икки номаълум кимса аёлнинг хонадонига бостириб кириб, уни яхшилаб дўппослашган ва «Голд Стар» видеомагнитофони, видеотасмалар, 50 АҚШ долларини олиб, газ плитасини очиб қўйиб, эшикни калит билан қулфлаб жуфтакни ростлашган. Тез орада мазкур қабиҳ жиноятни амалга оширган икки нафар ҳеч қаерда ишламайдиган шахс ушланди. Уларнинг хонадонлари тинтув қилинганда биттасининг уйидан босқинчилик ашёвий далилларидан ташқари 59 дона кичик калибрли милтиқ ўқлари ҳам топилди.

◆ Соат 20 да номаълум кимса Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган консерва заводига девор орқали ошиб тушиб, омборга кирган ва 27 банка асални олиб қўён бўлган. Қўриқлаш бўлими ходимларининг ҳушёрликлари натижасида тезда ҳеч қаерда ишламайдиган иккита йигитча ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.

«02» хабар қилади

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бўш вақтингиз қандай ўтяпти?

РАНГИН ЛАҲЗАЛАР

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» иқтисодий сайёҳлик ишлаб чиқариш мажмуи қошида ташкил этилган «Ёшлик шоу» бўлими асосан чет эллик ва мамлакатимиз сайёҳларининг бўш вақтларини қизиқарли ҳамда сермазмун ўтишига хизмат қилади. Шунингдек, турли халқаро шоулар уюштирилиб, уларга дастурлар тузиб беради. Шу билан бирга асосий вазифаси Ватанимиздаги кўҳна обидалар, диққатга сазовор жойлар билан бир қаторда халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари, турмуш тарзи, шунингдек, миллий санъатимизнинг ўзига хос томонларини таништиришдан иборат. Машҳур Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги тарихий обидалар қайси бир сайёҳни лол қолдирмаган дейсиз. Бу муқаддас жойларни томоша қилиб кетишнинг ўзи кам. Улкан бунёдкорлик ва қадимий санъатни кўрсата билиш ҳам керак. Шу мақсадда алоҳида театрлаштирилган сценарийлар ва концерт дастурлари ишлаб чиқилган.

— Санъат билан сайёҳлик бир-бири билан чамбарчас боғланган, — деди «Ёшлик» мажмуи бош директорининг ўринбосари О. Муҳиддинов. — Агар разм солсангиз кўпгина хорижий юртларнинг меҳмонхоналарида санъатга катта эътибор берилади.

Махсус тайёрланган санъат дастурлари орқали мамлакат ҳаёти, урф-одатлари, одамлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Чунки ҳар бир инсоннинг дунёқараши ўзгача, санъат эса кўнгилларга йўл топа олади. Буни эътиборга олиб янги бўлимни «Ёшлик шоу» деб атадик.

Шуниси қувончлики, «Ёшлик шоу» қисқа вақт ичида анча қизиқарли тадбирлар ўтказди. Ёшлар билан турли учрашувлар, танловлар уюштирди. Япония, Малайзия, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг сайёҳлари учун катта концерт дастурлари намойиш этилди. Бу дастурларга «Баҳор», «Шодлик», «Зарафшон» каби рақс жамоалари ва санъаткорлар жалб этилди. Бутун дунё сайёҳлик ташкилотлари иштирок этган «Буюк ипак йўли» халқаро анжуманида режиссёр Фарҳод Аҳмедов ўзига хос концерт дастури намойиш этди. Ёш, истеъдодли санъат жамоалари учун Ҳиндистон сафари уюштирилди. Бу тадбирларнинг амалга ошишида Фаррух Зокиров, Розия Каримова, Маъмура Эргашева, Қундуз Миркаримова, Галия Измайлова, Дилафрўз Жабборова ва бошқа таниқли санъаткорлар ўз ёрдамларини аяшмади.

Белгиланган ижодий режалар ҳам улкан. Яқин кунларда ўзбек сайёҳлик миллий компанияси залида юртимиздаги чет эл мамлакатлари элчихоналари вакилларини таклиф этиб, фольклор-этнографик театрлаштирилган концерт кўрсатилади. Дастурдан «Шодлик» рақс дастаси ижросидаги тўй маросимлари, куй-қўшиқ ва лапарлар ўрин олган. «Камолот», «Нафосат», Ботир Зокиров хотирасига бағишланган танловларга янги сайқал бериб ташкил этилади. Бундай тадбирлар ёшларнинг санъат йўлига киришларига хизмат қилади. Пировардида, янгиянги овозлар шаклланади.

Булардан ташқари, «Буюк ипак йўли» халқаро фестивали ўтказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бу ўзига хос кўрикда Японияндан тортиб Италиягача бўлган мамлакатларнинг ёшлари иштирок этадилар. Шунингдек, «Буюк ипак йўли гўзали» танловини ўтказиш ҳам режалаштирилган.

«Ёшлик шоу» биринчи марта ижодий учрашувлар тайёрламоқда. Унга халқ севган санъаткорлардан Шерали Жўраев, Фахриддин Умаров, Камолиддин Раҳимов, Ғиёс Бойтоев, Муҳриддин Ҳолиқов, Козим Қаюмов, Рустам Ғойипов ва бошқалар таклиф этилади. Бу учрашувларда мухлислар ўзларига ёққан қўшиқларни тинглаш билан бирга қўшиқчилар ҳаёти, ижоди, оиласи ҳақида батафсил маълумот оладилар.

Бир сўз билан айтганда, «Ёшлик шоу» бугунги кунда ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга астойдил бел боғлаган.

Оқила РАИМОВА.

Ҳаракат хавфсизлиги учун

«ДИҚҚАТ, ПИЁДА!» ОЙЛИГИ БОШЛАНДИ

«Тошкент оқшоми» газетаси ва шаҳар ДАН бошқармасининг қўшма тадбири

Автомобиль пайдо бўлибдики, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пиёдалар муаммоси мавжуд. Йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларни ўрганиб чиқиш шуни кўрсатмоқдаки, пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ошмоқда. Шу боисдан шаҳардаги йўл-транспорт ҳодисаларининг умумий сони қисқариб бораётган бир пайтда пиёдаларнинг айби билан содир бўлаётган фалокатлар кўпаяётгани улар ўртасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб муаммо бўляпти.

Пиёдалар, ўртасида юз бериши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш; улар томонидан йўл қўйиладиган қўпол қоидабузарликларга чек қўйиш, энг серқатнов жойлардаги ва чорраҳалардаги, шунингдек, болалар муассасалари яқинидаги пиёдаларнинг қатнови устидан назоратни амалга ошириш, йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили асосида аниқланган серфалокат жойларда намунали йўл ҳаракатини ташкил этиш мақсадида шаҳримизда «Диққат, пиёда!» деб шартли номланган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди.

Бу тадбир кенг кўламли бўлиб, унга Тошкент шаҳар ИИББ бошлангич тайёргарлик мактаби тингловчилари, пойтахтдаги йирик автохўжаликларнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари ва уларнинг транспорт воситалари ҳам жалб этилди, шунингдек, шаҳар ИИББ давлат автомобиль назорати бошқармасининг йўл-патруль хизмати бўлинмасида пиёдалар билан ишлайдиган махсус гуруҳ тузилиб фаолият кўрсатмоқда.

Биз бу борадаги аҳволни яна бир карра таҳлил қилиш ва пиёдалар томонидан йўл қўйилаётган қоидабузарликларнинг сабабларини аниқлаш, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ Давлат автомобиль назорати бошқармасининг ходимлари — ички хизмат майори Ғайрат Болтабоев ва милиция катта лейтенанти Нуриддин Хўжаевлар билан бирга қўшма тадбир ўтказдик.

Шаҳримизнинг энг серқатнов ва ҳаракат тигиз нуқталаридан бири — Абдулла Тўқай ва Пушкин кўчалари кесишган чорраҳадамиз. Бу ерда машиналар оқими кўп бўлгани билан пиёдалар учун ҳам маълум қулайликлар яратилган. Жумладан, ер ости ўтиш йўли, пиёдалар ўтадиган махсус жойлар бор. Бироқ шунга қарамасдан кишилар ўзларининг ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлсада гоҳ ҳаракатланаётган машиналарнинг шундоқ ёнидан кесиб ўтсалар, гоҳ кўчанинг хоҳлаган еридан ёш болалари билан ўтишар ёхуд йўлчироқнинг таъқиқловчи қизил чироғини ҳам назар-писанд қилмасдилар. Ташвишланарли томони қоидабузарларнинг ниҳоятда кўплиги эди.

Мана, кўз ўнгимизда — атрофда ДАН ходимлари бўлишига қарамай, башанг кийинган ёш-

гина йигит бирданига иккита қоидабузарликка йўл қўйди — ҳам йўлчироқнинг қизил чироғида ва кўчанинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтди. Бизнинг нима учун йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаётгани ҳақидаги саволимизга эса юқоридаги қоидабузар — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг 4-курс талабаси Ҳамид Сафаев «Кечирасизлар, ўқишга шошиб турган эдим, иккинчи қайтарилмайди», дея олди, холос.

Худди шунга ўхшаш қоидабузарлик қилган уй бекаси Венера Фёдорова эса «Машина йўқлигини кўриб йўлчироққа ҳам қарамасдан ўтгандим», дея баҳона қилди.

Тошкент Давлат тиббиёт институти 4-курс толиби Виталий Пугачёв эса йўлнинг пиёдалар учун белгиланмаган жойидан ўтаётганлиги ҳам етмагандай, бемалол пирожний кавшаб келарди. ДАН ходимларининг саволига ҳатто ўринли жавоб ҳам қайтара олмади.

Узини танитишни истамаган аёл эса ҳатто ёш боласини судраб машиналар орасидан ўтиб кетди. Сўрогимизга боласини мактабга олиб кетаётгани, кечга қолишаётганини айтиб, тезда кетиб қолди.

Юнусобод туманидаги 5-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Розана Лукасян эса қоидабузарлигини ўйлаб-нетиб ўтирмай, «Тўғри, машина келаётганини кўрдим, бироқ чопиб ўтишга улгуришимга ишонгандим», деб изоҳлади.

Шунингдек, қўшма тадбир чоғида шаҳримиздаги 3-босмахона ишчиси Анвар Жалилов, «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг ходими Игорь Денисов, Сурхондарёдаги «Ўзтемирйўлтаъмирлаш» заводи чилангари Абдукарим Сармонов, душанбелик меҳмонлар — совхоз директори Маҳрам Забиров, тижоратчи Абдураҳим Ваҳобов ва яна бошқа кўплаб кишиларнинг чорраҳа олдида ҳаётларини хавф остида қолдириб бўлсада қўпол қоидабузарликларга йўл қўяётганликларининг гувоҳи бўлдик. Албатта, шаҳримиздаги бошқа чорраҳалар, машиналар серқатнов кўчаларда ҳам аҳвол шунга ўхшаш.

Тадбир давомида кишини ташвишга соладиган яна кўпгина фактларга дуч келдик. Чунончи, кўпчилик фуқаролар ёнларида ўзларининг шахсларини билдирувчи ҳеч қандай ҳужжат олиб юрмайдилар. Ўринли савол туғилади: мабодо кутилмаганда бахтсиз ҳодиса рўй бериб қолса-чи? Унда фуқаронинг кимлигини қандай билиш мумкину яқинларига қай тариқа хабар бериш мумкин? Айрим фуқаролар йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмайдилар, билганлар ҳам аксар ҳолларда унга риоя қилмайдилар. Айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида қоидабузарликлар кўплигининг шоҳиди бўлдик. Бизнингча, жойларда айниқса ўқув масканларида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кескин кучайтириш даркор. Балки, қоидабузар пиёдалар учун жарима чораларини ошириш керакдир?

Шу ўринда бир ҳамкасбимизнинг Беларусь пойтахти Минск шаҳрида кузатган сафар хотиралари беихтиёр ёдга тушади. У ерда пиёдалар ҳам, ҳайдовчилар ҳам йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилишар, қизил чироқ ёниб турганда пиёдалар яқин-атрофда машина кўринмаса-да сабр-тоқат билан кўк чироқ ёнишини кутарканлар. Болтиқбўйи республикаларида ҳам шундай тартиб мавжуд экан. Умид қиламизки, бизда ҳам келгусида кўчада ҳаракатланиш, ўзини тутиш маданияти шаклланади, бизнинг йўлларимизда ҳам тартиб-қоидалар ҳукм суради.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СУРАТЛАРДА: шаҳримиздаги ҳар бир чорраҳада пиёдалар томонидан мана шундай қоидабузарликларга йўл қўйилаётганини учратиш мумкин.

Даврон Аҳмедов олган суратлар.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

Тошкент оқшоми — Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 11-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—0056 •Босмага бериш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.